БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 154 (385)

5 АВГУСТ ЖУМА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Кеча Катта Кремль Саройида тўртинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Иттифоқ Совети блан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Булганиннинг тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева кенгашининг якунлари тўғрисидаги доклади тингланди.

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари Женева кенгашининг якунлари

СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. БУЛГАНИННинг СССР Олий Советининг учинчи сессиясида 1955 йил 4 августда қилган доклади

Депутат ўртоқлар!

СССР Министрлар Совети тўрт давлат — Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари Бошлиқларининг 18 июльдан 23 июльгача Женевада бўлиб ўтган кенгаши ишларининг натижалари тўғрисида СССР Олий Советига доклад қилишни менга топширди.

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ Женева кенгашига бораётганида АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг бошлиқлари блан биргаликда энг муҳим халқаро проблемаларни ошкора муҳокама қилишни, биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб халқаро кескинликни юмшатишга эришишни ҳамда давлатлар ўртасида ишонч ўрнатилишига негиз солишни назарда тутган эди. Совет ҳукумати ҳукуматлар раҳбарларининг учрашуви тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ва бамаслаҳат қабул қилиналиган қарорларни излаб топмоқ учун қулай шароит вужудга келтириши мумкин деб ҳисоблаб, мана шундай йиғоқаралар ўтказиш керажлигини кўпдан бери айтиб келмоқда эди.

Биз Совет давлати ленинча ташқи сиёсатининг асосий принципларига — ижтимоий системалари турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув бўлиб яшашини та'минлаш сиёсатининг, халқлар ўртасида тинчлик учун кураш сиёсатининг асосий принципларига амал қилиб Женева кенгашида қатнашдик. Биз шу нарсага асосландик ва асосланиб келмоқдамиз. Совет Иттифоқи ҳукуматининг тинчликсевар сиёсати совет халқининг манфаатларига мос бўлиб тушаётган сиёсатдир. Бундай сиёсат халқаро кескинликни юмшатишдан, тинчлик ва хавфсизликнинг та'минланишидан ғоят манфаатдор бўлган барча халқларнинг истак ва орзуларига ҳам мос бўлиб тушаётган сиёсат эканлигига шубҳаланмаймиз. Тинчлик учун бошланган халқ ҳаракати сиёсатга тобора кўпроқ та'сир ўтказмоқда, шунинг учун ҳам давлат арбоблари бу ҳаракат блан ҳисоблашмасликлари мумкин эмас.

Шундай қилиб, АҚШ, Англия, Франция ва СССР ҳукуматлари бошлиқлари кенгашининг ўтказилишини тинчликсевар кучларнинг муайян ютуғи деб ҳисоблаш зарур.

1945 йилдаги Потсдам конференцияси бўлиб ўтгандан бери Совет Иттифоқи, АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларининг бошлиқлари халқаро ҳаётнинг ҳал қилиш пайти келган масалаларини биргаликда муҳокама қилмоқ учун биринчи марта туплангаанликларининг ўзи ҳам катта аҳамиятга эга фактдир.

Женева кенгашида тўрт буюк давлатнинг раҳбар арбоблари ўз ўрталарида шахсий алоқа боғладилар ва халқаро аҳволнинг бирқанча масалалари устида фикрлашиб олдилар. Расмий мажлислар ҳам, мажлислардан ташқари бўлган ғайри-расмий учрашувлар ҳам ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди, кенгашнинг ҳамма қатнашчилари ижобий натижаларга эришишга интилаётганликларини кўрсатдилар, буни мамнуният блан қайд қилиб ўтмоқ керак.

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгашини муҳим тарихий воқиалар қаторига киритиш мумкин, чунки бу кенгаш СССР, АҚШ, Англия ва Франция ўртасидаги муносабатларда бурилиш бошлаб берди.

I.

Женева кенгаши арафасидаги халқаро вазият

Женева кенгаши қатнашчилари томонидан қилинган ишни ва кенгашнинг натижаларини ёритишга ўтишдан олдин шу кенгашгача бўлган халқаро вазиятнинг характеристикасига тўхталиб ўтиш зарур.

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин ўтган ўн йиллик даврнинг характерли хусусияти шу бўлдики, ўтмишда умумий душман — фашизмга қарши курашда иттифоқчи бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб қолган эди.

Совет Иттифоқи бутун шу давр давомида ва айниқса кейинги бир ярим-икки йил мобайнида «совуқ муносабатлар урушига» хотима беришга ҳамда тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашдаги ҳамкорликни тиклашга интилиб халқаро муносабатларда рўй берган кескинликни юмшатиш йўлида тадбирлар кўриб келди. Хитой Халқ Республикаси ва барча халқдемократияси мамлакатлари тинчликни мустаҳкамлаш учун Совет Иттифоқи блан бирликда актив кураш олиб бордилар.

Кейинги вақтларда Совет Иттифоқининг ва барча тинчликсевар мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлида сарфлаган куч ва ғайратлари ижобий натижалар берганлиги яққол кўриниб турибди.

Аввало шуни айтиб ўтиш керажки, Хитой Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар давлатларнинг ташаббуси натижасида Кореядаги уруш тўхтатилганлиги кескинликни юмшатишга ёрдам берди. Бу блан Узоқ Шарқдаги урушнинг хатарли ўчоғи йўқ қилинди. Бу ўчоқ урушнинг кенгайиб кетиш хавфини тугдирмоқда эди, бу эса умумий тинчлик иши учун оғир оқибатларнинг ҳаммасини келтириб чиқариши мумкин эди.

Беш давлат — СССР, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари ташқи ишлар министрларининг манфаатдор бошқа давлатлар блан биргаликда ўтган йил Женевада бўлган кенгашида эришилган битим натижасида Хинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларининг тўхтатилганлиги фақат Шарқи-Жанубий Осиёда тинчликни мустаҳкамлаш учунгина эмас, шу блан бирга умуман халқаро вазиятни яхшилаш учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган навбатдаги улуғ воқиа бўлди. Хинди-Хитойдаги қон тўкишни тўхтатишга олиб келган 1954 йилги Женева битими шунинг учун ҳам катта аҳамиятга эгадирки, бу битим тўла миллий мустақилликка ва эркинликка интилаётган Хинди-Хитой халқларининг қонуний миллий ҳуқуқларини э'тироф қилишга асосланди.

Броқ Кореядаги ва Хинди-Хитойдаги урушларнинг тўхтатилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигига қарамай, халқаро вазият кескинлашган ҳолда қолаберди. Давлатларнинг айрим группалари ўртасидаги ишончсизлик ва гумонсираш ҳолати аввалгидек давом қилаберди, «совуқ муносабатлар уруши» вазияти давом қилаберди.

Бундай аҳвол халқаро вазиятни янада яхшилаш ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишонч ўрнатиш йўлида жиддий ғов вужудга келтирмоқда эдики, бундай ишонч бўлмасдан туриб мустаҳкам ва узоқ давом қиладиган тинчликни та'минлаш мумкин эмас.

Шу муносабат блан бу йил май ойида кучга кирган ва Париж битимлари деб аталган битимларга тўхталиб ўтиш зарур. Ма'лумки, Париж битимларининг асосий мақсади Ғарбий Германияни қайта ҳарбийлаштиришдан ва уни Ғарб давлатларининг ҳарбий гуруҳларига — Шимолий Атлантик блокига ва Ғарбий Европа иттифоқига қўшиб олишдан иборатдир. Бу битимлар Ғарбий Германияда милитаризмнинг тикланиши учун йўл очди. Бундан ташқари, Париж битимлари қайта ҳарбийлаштирилаётган Ғарбий Германияни мазкур гуруҳларнинг қатнашчилари бўлган ба'зи ғарбий давлатларнинг ҳарбий иттифоқчисига айлантирмоқда. Умуман Париж битимлари Совет Иттифоқига, халқ демократияси мамлакатларига қарши, Европада тинчликни сақлаш манфаатларига қарши қаратилган битимлардир.

Совет ҳукумати бу битимлар Европадаги бутун вазиятни кескинлаштиришга олиб келишига ва тинчликсеварлик негизида Германияни қайта бирлаштириш асосида Германия проблемасининг ҳал қилинишини мумкин бўлмайдиган иш қилиб қўядиган вазият туғдираётганлигига АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг, шунингдек Париж битимларининг қатнашчиси бўлган бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг э'тиборини неча марталаб жалб қилди. Биз бундай шароитда Германия Демократик Республикасини қайта ҳарбийлаштирилган ва бошқа давлатлар блан ҳарбий блоклар тузаётган Ғарбий Германия блан бирлаштириб бўлмаслигини неча марталаб кўрсатиб ўтдик.

Афсуски, Совет Иттифоқининг бу огоҳлантиришлари блан ўша вақтда ҳисоблашмадилар. Натижада Европада шундай вазият вужудга келдики, бу нарса халқаро кескинликни янада юмшатиш ва ҳал этилмаган халқаро проблемаларни бартараф қилиш ишига жиддий тўсқин бўлиб қолди ва бўлиб қолиши мумкин, шунингдек бу нарса фақат Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларнигина эмас, шу блан бирга бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳам чатоқлашувига сабаб бўлиб қолди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши мумкин.

Йилдан-йилга тобора кенгайиб бораётган зўр бериб қуролланиш, айниқса атом ва водород қуролларини ишлаб чиқариш соҳасидаги зўр бериб қуролланиш ҳам халқларнинг ҳақли ташвишланишига сабаб бўлиб келди. Кейинги йилларда давлатларнинг ҳарбий харажатлари муттасил кўпаяберди, Шимолий Атлантик шартномасининг қатнашчилари бўлган мамлакатлардаги ҳарбий харажатлар айниқса кўпайиб кетди. Тегишли давлатларнинг расмий равишда э'лон қилган материалларига асосланган қуйидаги ма'лумотлар қуролланиш учун сарфланаётган харажатларнинг нақадар ўсганлигини кўрсатади.

АҚШнинг бевосита ҳарбий ҳаражатлари 1948—1949 бюджет йилида 12,9 миллиард долларни ташкил қилди ёки федерал бюджетдаги ҳамма ҳаражатларнинг 32,6 процентини ташкил қилди; 1953—1954 бюджет йилида мазкур ҳаражатлар яна кўпайиб, 46,5 миллиард долларга етди ёки федерал бюджетдаги ҳамма ҳаражатларнинг 68,6 процентини ташкил қилди. Шундай қилиб, АҚШнинг ҳарбий бюджети 1948 йилдан бери уч ярим баравардан зиёд кўпайди. АҚШ бюджетининг умумий харажатларида ҳарбий харажатларнинг ҳиссаси эса икки баравардан зиёдроқ кўпайди.

Англиянинг бевосита ҳарбий ҳаражатлари 1948—1949 бюджет йилида 768 миллион фунт стерлингга етиб, бюджетдаги ҳамма ҳаражатларнинг 24,2 процентини ташкил қилди; 1953—1954 бюджет йилида мазкур ҳаражатлар янада кўпайиб, 1 миллиард 637 миллион фунт стерлингга етди ёки бюджетдаги ҳамма ҳаражатларнинг 38,3 процентини ташкил қилди.

Францияда бевосита ҳарбий ҳаражатлар 1949 йилда 289 миллиард франкка етди ёки бюджетдаги ҳамма ҳаражатларнинг 23,8 процентини ташкил қилди; 1954 йилда Франциянинг бевосита ҳарбий ҳаражатлари яна кўпайиб, 1 триллион 192 миллиард франкка етди, я'ни бюджетдаги ҳамма харажатларнинг 32,5 процентини ташкил қилди.

Ўз-ўзидан ма'лумки, бундай вазиятда Совет Иттифоқи ўз қуролли кучларини мустаҳкамлаш ғамини емаслиги мумкин эмас эди. Совет Иттифоқининг ҳарбий харажатлари 1955 йил учун 112 миллиард 122 миллион 710 минг сўм миқдорида планлаштирилди. Бу эса бюджетдаги бутун харажат қисмининг 20 процентчасини ташкил қилади. Париж битимлари тузилганлиги сабабли Совет Иттифоқи ва Европадаги бошқа тинчликсевар давлатлар дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Варшава шартномасини тузишга мажбур бўлдилар. Шу йил 14 майда тузилган Варшава шартномаси шу давлатларнинг ўз хавфсизликларини та'миналаш йўлидаги кўч ва ғайратларини бирлаштиришни ҳамда Европада тинчликни сақлаш манфаатларини кўзда тутади.

Қуролланишнинг тобора кучайиб бораётганлиги давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончсизликнинг ошиб кетишига, улар ўртасида бир-бирларидан гумонсирашнинг кучайиб кетишига, янги урушни пропаганда қилишнинг зўрайиб кетишига сабаб бўлаётганлиги кундан-кунга тобора равшанроқ бўлиб қолди. Мана шуларнинг ҳаммаси «совуқ муносабатлар урушиннинг давом қилаётганлигини кўрсатмоқда эди. «Совуқ муносабатлар уруши» давлатлар ўртасидаги нормал иқтисодий алоқаларни ва бошқа алоқаларни бузди; бунинг натижасида халқаро савдо соҳасида ҳархил тақиқлашлар ва чеклашлар пайдо бўлди, турли мамлакатларнинг саноат, қишлоқ хўжалик, фан ва маданият арбоблари ўртасидаги алоқалар чеклаб қўйилди. «Совуқ муносабатлар уруши» халқаро кескинликни юмшатишга ва давлатлар ўртасида зарур ишончнинг вужудга келтирилишига тўсқинлик қилади.

Узоқ Шарқдаги аҳвол халқларга жуда ҳам ташвиш тўғдирмоқда эди. Ҳатто Корея уруши тўхтатилгандан кейин ҳам бу райондаги вазият кескинлигича қолаберди, бу кескинлик хатарли характерга айланиб кетган вақтлар ҳам бўлди. Бунинг сабаби шуки, Хитойнинг азалги территорияси бўлган Тайвань ороли ва бошқа бирқанча ороллар ҳақиқатда четэл қўшинлари томонидан оккупация қилиниб турибдики, бунга хитой халқининг рози бўлиши мумкин эмас, албатта.

Совет ҳукумати Тайвань масаласини бартараф қилмоқ учун манфаатдор давлатларнинг конференциясини чақириш тўғрисида ташаббус кўрсатди. Афсуски, бу ташаббус шу дамгача ижобий натижаларга олиб келмади. СССР ҳукумати Хитой-Америка муносабатларидаги ҳал бўлмаган масалалар устида Хитой Халқ Республикаси блан АҚШ ўртасида бевосита музокаралар ўтказиш тўғрисида Хитой Халқ Республикаси ҳукумати қилган таклифни ҳам қўллаб-қувватлади. Ма'лумки, энди ҳар икки томон мана шундай музокаралар кириштилар. Бу музокаралар қулай шароитда бошланди. Жосуслик учун ҳукм қилинган 11 америкали учучини муддатидан олдин озод қилиш тўғрисидаги қарор Хитой Халқ Республикасининг яхши ният блан қилган иши бўлдики, бу нарса музокаларларнинг боришига ижобий та'сир қилмаслиги мумкин эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш масаласи жатта аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, буюк давлатни яна бунинг устига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий а'зоси бўлган давлатни, я'ни Хитой Халқ Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишларига қатнашишдан ва бирқанча халқаро проблемаларни муҳокама қилишга қатнашишдан сун'ий равишда четлатиб туриш ярамайди.

Совет ҳукумати шу нарсани яхши биладики, айрим давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинлик қанчалик узоқ сақланса, янги уруш хавфини тугдиручи халқаро вазиятшунчалик кескинлашаберади. Вазиятни юмшатадиган, давлатлар ўртасидаги ишончни тиклайдиган радикал ташқи сиёсат тадбирларини кўриш зарур бўлиб қолди. Шу сабабли Совет Иттифоқи ҳукумати тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатларига амал қилиб, бу масалада ташаббусни ўз қўлига олди ва кейинги йилда бирқанча муҳим ташқи сиёсат тадбирларини кўрди. Бу тадбирларни тинчликсевар халқларнинг ҳаммаси ма'қуллади.

Совет ҳукумати томонидан тинчлик йўлида кўрилган тадбирлар халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга олиб келди, буни э'тироф қилмай бўлмайди.

Қурол-яроғларни камайтириш, атом ва водород қуролларини тақиқлаш ва янги уруш хавфини йўқотиш масалалари юзасидан Совет ҳукуматининг 10 майда қилган таклифлари халқаро кескинликни юмшатиш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу таклифларни кенг халқаро доиралар ма'қуллаб қутиб олдилар ва ҳамма жойда бу таклифларга тинчлик ишига қўшилган катта ҳисса деб баҳо берилди. Шу таклифлар асосида бамаслаҳат зарур битимга келиш, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам тинчликни та'миналаш ишида жуда муҳим роль ўйнаган бўлур эди.

Совет Иттифоқи ташаббуси туфайли Австрия блан Давлат Шартномасининг тузилиши сингари воқианинг аҳамияти ғоят каттадир.

Австрия масаласи ҳал қилинди ва Австрия шу туфайли мустақил ҳамда суверен давлат бўлиб қолди, доимий бетарафлик сиёсатига амал қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Бу нарса австрия халқининг миллий манфаатларига ҳам, шунингдек Европада тинчликни сақлаб туриш манфаатларига ҳам мос бўлиб тушмоқда. Шу блан бир вақтда Австрия масаласининг муваффақиятли ҳал қилинганлиги тинчликни сақлаб туриш соҳасида асосий мас'улият зиммасида бўлган давлатлар ҳал бўлмаган халқаро проблемаларни ҳал қилмоқ учун мавжуд имкониятлардан ҳали тўла фойдаланмаганликларини кўрсатди. Табиий, бу масаланинг ҳал қилиниши ҳал бўлмаган ва ҳал қилиш пайти келган бошқа проблемаларни ҳам ҳал қилиш учун бошланган ҳаракатни кучайтириб юборди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ Югославияга борганлиги натижасида Совет Иттифоқи блан Югославия ўртасидаги муносабатларда вужудга келган бурилишнинг тинчлик иши учун бўлган аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Югослав ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва яқиндан ҳамкорлик қилиш муносабатлари 1948 йилда сун'ий равишда бузилганидан кейин ҳар иккала мамлакат ўртасида вужудга келган, йўл қўйиб бўлмайдиган ва нормал бўлмаган аҳволга Бельградда бўлиб ўтган музокаралар хотима берди. Совет-Югославия муносабатларида яқин вақттача давом қилиб келган ва нормал бўлмаган аҳвол тинчлик душманларигагина қўл келмоқда эди. Бу нарса ҳар иккала мамлакатнинг ҳаётий манфаатларига ва халқлар ўртасида тинчликни сақлаб туриш манфаатларига жиддий зарар етказди. Бундай аҳвол яна давом этиши мумкин эмас эди, шунинг учун ҳам ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари Совет-Югославия муносабатларини тубдан яхшилаш зарур, деган хулосага келдилар.

Эндиликда ва бундан буён СССР блан Югославия ўртасидаги муносабатлар тинчликнинг бўлинмаслиги, суверенитетни, мустақилликни, территориал дахлсизликни ва тенгҳуқуқликни ҳурматлаш, халқларнинг тинч-тотув бўлиб яшашини, бир-бирини ҳурматлашини ва ички ишларга аралашмасликни э'тироф қилиш ва ривожлантириш принциплари асосига қурилади.

Совет-Югославия муносабатларини яхшилаш соҳасида ҳозирги вақтда эришилган натижалар ҳар иккала мамлакат бирдан-бир тўғри йўлни танлаб олди ва ҳар иккала ҳукумат Совет Иттифоқи блан Югославия Федератив Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига жуда жиддият блан қарайдилар, деб ўйламоқ учун тўла равишда асос бўлади. Биз шу минбардан туриб Югославияли дўстларимизни ва Югославия Президенти ўртоқ Титони табриклаймиз (Гулдурос қарсаклар) ва шу нарсани айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймизки, Партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва бутун совет халқи Югославиянинг қардош халқлари блан дўст бўлиш ва астойдил ҳамкорлик қилиш мақсадида биргаликда танлаб олинган йўлдан бормоқ учун янада ўзларининг куч ва ғайратларини сарф қиладилар. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру жаноблари Совет Иттифоқига келганлиги сингари воқианинг муҳим аҳамиятини ҳам айтиб ўтиш зарур. Ж. Неру блан Совет ҳукумати раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган фикрлашувлар ва биргаликда э'лон қилинган Совет-Ҳиндистон баёноти ҳар иккала мамлакатнинг Совет Иттифоқи блан Ҳиндистон ўртасида вужудга келган дўстона муносабатларни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга қат'ий бел боғлаганликларини кўрсатди. Тинчлик учун курашнинг кечиктириб бўлмайдиган проблемалари бўйича ҳар иккала мамлакатнинг позицияси бир-бирига мос бўлиб тушмоқда, бу ҳам Осиё ва Узоқ Шарқнинг ҳал бўлмаган проблемаларини ҳал қилмоқ учун ва халқаро кескинликни юмшатмоқ учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Совет ҳукумати Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигина Осиёда ва Осиёдан бўлак жойларда ҳам тинчлик учун курашда муҳим фактор деб юксак баҳо бериб, Совет-Ҳиндистон баёнотида айтиб ўтилган ва тинчликсевар давлатлар томонидан кенг равишда қўллаб-қувватланган принциплар асосида бу ҳамкорликни бундан буён ҳам давом этдиришни зарур деб ҳисоблайди. Ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг раҳбарлари ўртасида шахсий алоқаларни янада ривожлантириш бу ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига, ҳеч шубҳасиз, ёрдам беради.

Совет ҳукумати тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб бошқа бирқанча муҳим тадбирларни кўрдики, бу тадбирлар жатта ижобий натижалар бериши мумкин. Мен, жумладан, СССР ҳукуматининг Германия Федерал Республикаси ҳукуматига дипломатик, савдо ва маданий муносабатлар боғлаш тўғрисида қилган таклифини, шунингдек ҳозирги вақтда Лондонда олиб борилаётган Совет-Япония музокараларини назарда тутаман.

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгаши арафасидаги халқаро вазият, асосан олганда, шу таҳлитда эди. Халқаро кескинликни ма'лум даражада юмшатишга олиб келган ва шу тариқа Женевадаги кенгашни ўтказмоқ учун қулай шароит вужудга келтирган факторлар шулардир.

II.

Женева кенгаши ва Совет Ҳукуматининг таклифлари

Совет ҳукумати шунга асосланиб иш кўрдики, тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари кенгашининг асосий вазифаси халқаро кескинликни янада юмшатишдан ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда зарур ишончни вужудга келтиришда кўмаклашишдан иборат бўлиши лозим. Фақат шундай шароитдагина ҳал этилмаган халқаро проблемаларни ҳал қилиш тўғрисида жиддий гапириш мумкин.

Шунга амал қилиб, Совет делегацияси Женева кенгаши иш бошлаган пайтдаёқ айтдики, Совет ҳукуматининг фикрича, кенгашнинг вазифаси давлатларнинг бир-бирларига у ёки бу айбларни қўйишдан иборат бўлмай, балки халқаро кескинликни янада юмшатишнинг ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ишонч вазиятини яратишнинг янги йўлларини ва воситаларини қидиришдан иборат бўлиши лозим. Ҳал қилинмаган масалаларни биргаликда куч ва ғайрат сарфлаш йўли блан ҳал қилиш йўлини топиш ниятида Женевага келганлигимизни рўй-рост айтдик ва кенгашнинг бошқа қатнашчилари томонидан қилинадиган таклифларни диққат блан кўриб чиқишга ўзимизнинг тайёр эканлигимизни билдирдик.

Совет делегацияси ҳал қилинмаган проблемаларни, шу жумладан, Европа ва Осиё проблемаларини ҳал қилиш йўлида турган қийинчиликларни камайтириб кўрсатмоқчи эмаслигига АҚШ, Буюк Британия ва Франция давлат арбобларининг э'тиборини жалб қилди. Броқ, модомики, кенгашнинг ҳамма қатнашчилари қийинчиликларни енгиш йўлларини топиш ниятида бу кенгашга келган эканлар, мана шунинг ўзи Кенгашнинг ижобий натижалар бериши учун муқаррар гарав бўлди.

АҚШ, Франция, Буюк Британия ва Совет Иттифоқи ҳукуматларининг Бошлиқлари 18 июльдаги биринчи мажлисда қилган ўзларининг кириш баёнотларида халқаро аҳволнинг асосий масалалари тўғрисидаги ҳамда Кенгашнинг вазифалари ҳақидаги ўз фикрларини айтиб бердилар. Шу блан бирга муҳокама қилиниши лозим бўлган проблемалар тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам айтиб ўтилди.

Кенгаш қатнашчиларининг ҳаммаси қуйидаги масалаларни: Германия масаласини, куролсизланиш масаласини, Европа хавфсизлиги масаласини, Шарқ блан Ғарб ўртасида алоқаларни ривожлантириш масаласини муҳокама қилиш керажлигини айтдилар.

Гарчи Осиё ва Узоқ Шарқ проблемаларининг актуаллиги, фактларга тўппа-тўғри назар ташланганида, очиқ-ойдин кўриниб турганлигига қарамай, бу проблемаларни Кенгашда муҳокама қилиш тўғрисидаги бизнинг таклифимиз, афсуски, қабул қилинмади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўртоқ Н. А. БУЛГАНИН докладининг давоми

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Ўз-ўзидан ма'лумки, Совет делегацияси Шарқий Европа мамлакатларидаги аҳвол масаласини, шунингдек «халқаро коммунизм» тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга розилик бераолмади. Биз бу Кенгашда Шарқий Европа мамлакатларидаги аҳвол масаласини муҳокамага қўйиш — бизни шу давлатларнинг ички ишларига аралашиш йўлига судраш бўлур эди, деб кўрсатиб ўтдик.

Аммо шу нарса яхши ма'лумки, шу мамлакатлардаги халқ демократик режим ўша мамлакат халқларининг ўз хоҳишларини эркин равишда билдиришлари асосида халқларнинг ўзлари томонидан ўрнатилган режимдир. Бундан ташқари, шу мамлакатлардаги аҳволни кўриб чиқишга ҳеч ким бизга ваколат берган эмас. «Халқаро коммунизм» тўғрисидаги масалага келганда (ба'зи жойларда гўл одамларни бу масала блан чўчитиш одат бўлиб қолган), биз шуни айтдикки, Женева Кенгаши турли мамлакатлардаги у ёки бу сиёсий партияларнинг фаолиятини ёхуд шу партиялар ўртасидаги муносабатларни муҳокама қилиш учун чақирилган Кенгаш бўлмай, балки давлатлар ўртасидаги муносабатлар проблемаларини муҳокама қилмоқ учун чақирилган Кенгашдир. Шунга кўра, ҳукуматлар Бошлиқларининг Кенгашида бу масаланинг қўйилишини ўринли деб бўлмайди.

Совет ҳукумати томонидан Женева Кенгаши муҳокамасига киритилган таклифларнинг моҳияти тўғрисида гапирган вақтда аввало Европада хавфсизликни та'миндаш блан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан қилинган таклифларга тўхталиб ўтиш керак.

Бу масаланинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги равшандир. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, энг кўп хунрез ва вайрон қиладиган урушлар Европада бўлди. Бошқа мамлакатларга ва қит'аларга тарқалиб кетган ҳамда инсоният бошига беҳисоб қирғинлар ва моддий вайронликлар келтирган биринчи жаҳон уруши ҳам, иккинчи жаҳон уруши ҳам Европанинг ўзида бошланди. Мана шуларнинг ҳаммаси Европада мустаҳкам хавфсизлик системасининг вужудга келтирилиши умумий тинчлик учун нақадар катта аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Совет ҳукумати, Умумевропа шартномасини тузиш ёки, биз айтганимиздек, Европадаги барча давлатларнинг ва Америка Қўшма Штатларининг иштироки блан коллектив хавфсизлик шартномасини вужудга келтириш Европа учун хавфсизликни та'миндашнинг энг ишончли йўли бўлур эди, деб ҳисоблаб келди ва ҳисобламоқда. Европадаги бир тўда давлатларнинг Европадаги бошқа давлатларга қарши қаратилган ҳарбий гуруҳлари ўрнига мана шундай хавфсизлик системасининг вужудга келтирилиши Европадаги ҳамма халқларнинг манфаатларига мос тушган бўлар эди, чунки ҳарбий гуруҳлар тузиш сиёсати Европа халқларини неча марталаб уруш гирдобига ташлаган эди.

Ўтган йил биз мана шундай таклифни ўртага ташлаганимизда Ғарбдаги ба'зи давлатлар бизга, совет таклифи уларга ёқмаганлигини айтдилар, ва бу таклиф ҳарбий блоклар системасини бузиб юборади, дедилар, уларнинг гапига қараганда бу ҳарбий блоклар системаси мудофаа мақсадларида тузилган эмиш. Бунда улар Шимолий Атлантик гуруҳи фақат мудофаа мақсадларингина кўзда тутади, деб да'во қилиб, НАТОнинг тақдири тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилдилар. Шундай да'волар қилинаётганлиги сабабли Совет ҳукумати бу ташкилотга кириш ўша вақтда қарор қилди, чунки мудофаа мақсадларини кўзда тутучи ташкилотда қатнашиш бизнинг манфаатларимизга тўла равишда мувофиқдир, деб айтди. Совет Иттифоқи НАТОга кириш йўлида конкрет равишда урининг кўрди ва НАТО қатнашчилари бўлган давлатларга бу тўғрида нота юборди. Бироқ, улар расмий нота юборибдиз, бизни қабул қилишдан бош тортдилар. Бу нарса Совет Иттифоқида асосли ташвиш ва хавотирлик туғдирмаслиги мумкин эмас эди. НАТОнинг мақсадлари шу ташкилотнинг мудофаа характери тўғрисида айтилаётган гапларга асло тўғри келмайдиган мақсадлар эканлиги равшан бўлиб қолди.

Ба'зи давлатларнинг ҳукуматлари ўзлари тузган ҳарбий блоклардан, лоқал ҳозирги вақтда, воз кечишни истамаётганликларини ҳисобга олиб ва манфаатдор давлатлар ўртасида бамаслаҳат бир фикрга келишни осонлаштиришни истаб, биз Европада коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтириш тўғрисида Женева Кенгашида янги таклифни ўртага ташладик. Биз, мана шундай хавфсизлик системасини вужудга келтириш ишини икки даврга бўлиб бажаришни таклиф қилдик.

Биринчи даврда Шимолий Атлантик шартномаси ҳам, Париж битимлари ҳам, Варшава шартномаси ҳам ўз кучида қолиши лозим. Айни вақтда шу гуруҳларга кирган давлатларнинг ҳаммаси бир-бирларига қарши қуролли куч қўлланишдан ўзларини тийиб туриш ва ўз ўрталарида чиқиши мумкин бўлган низо'ларнинг ҳаммасини фақат тинч воситалар блан ҳал қилиш тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олишлари лозим, деб таклиф қилдик.

Сўнгра, бизнинг таклифларимизда шу нарса кўзда тутилдики, қурол-яроғларни қамайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисида, шунингдек Европа мамлакатларининг территорияларидан четэл қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида битимга келингунча, Европадаги коллектив хавфсизлик қатнашчилари бўлган давлатлар Европанинг бошқа давлатлари территориясидаги ўз қуролли кучларини қўлайтиришга қаратилган ҳеч қандай тадбирларни ўтказмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари лозим.

Ниҳоят совет таклифлари шу нарсани кўзда тутган эдики, Европадаги коллектив хавфсизлик қатнашчиси бўлган давлатлар ҳарасфар вазият талаб қилганида, Европада хатарли аҳвол вужудга келишига йўл қўймаслик мақсадида бир-бирлари блан консультация ўтказиб туришлари ва тинчликни сақлаб турмоқ учун бамаслаҳат чоралар кўришлари лозим.

Совет делегацияси, жумладан, шу нарсани айтиб ўтдики, бирмунча торроқ доирадаги давлатларнинг иштироки блан хавфсизлик пакти тузиш мумкинлиги тўғрисида Буюк Британия бош министри А. Иден жаноблари нинг мулоҳазалари диққатга сазовордир. Дастлабки пайтларда тўрт давлатнинг—СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг, шунингдек Европадаги бошқа ба'зи давлатларнинг иштироки блан шундай пакт тузилиши ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди. Бундай пакт фақат Германиядаги мавжуд реал вазиятни, я'ни ўтган ўн йил мобайнида иккита герман давлати вужудга келганлигини ҳисобга олиши лозим. Биз Умумевропа хавфсизлиги манфаатларини Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикасининг ривожланиш манфаатлари блан шу хилда бир-бирига қўшишни тўла равишда мумкин деб ҳисоблаймиз, бу нарса герман халқлининг манфаатларига ҳам, умумий тинчлик манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

Тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг октябрьда бўладиган кенгашида бу муҳим масала устида бамаслаҳат бир фикрга келишнинг янги имкониятлари кўриб чиқилади, деб кутмоқ керак. Бундай имкониятлар тугади, деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шу муносабат блан бизнинг бошқа таклифимиз, я'ни Европа хавфсизлигига таллуқли бўлган ва тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг октябрьда бўладиган Кенгашининг муҳокамасига топширилган таклифимиз тўғрисида гапириб ўтиш зарур. Мен бунда Европада ҳозирги мавжуд гуруҳларнинг қатнашчилари бўлган давлатлар Умумевропа хавфсизлиги системаси вужудга келтирилгунча, ўз зиммаларига бир-бирларига қарши қуролли куч қўлланмаслик тўғрисида мажбурият олсинлар, деб Совет ҳукумати томонидан қилинган таклифни кўзда тутаман. Ўз-ўзидан ма'лумки, бундай мажбурият давлатларнинг қуролли ҳужум бўлиб қолган тақдирда якка тартибда ёки коллектив бўлиб ўзларини мудофаа қилишлари тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 51-нчи моддасида кўзда тутилган ҳуқуқларига зарар етказмаслиги лозим, биз буни Женевада ҳам айтиб ўтдик.

Бизнинг фикримизча, бундай таклифга э'тироз билдириш қийин. Дарҳақиқат, Европадаги ҳамма давлатларнинг иштироки блами, ёки дастлабки пайтда Европадаги давлатларнинг бир қисмининг иштироки блами, ҳарҳолда Европада коллектив хавфсизликни та'миндаш тўғрисида шартнома тузиш масаласида битимга келиш чўзилиб кетиши мумкин деб фараз қилайлик. Бундай ҳолда, ғаройиб ҳарбий гуруҳларда ва Варшава ҳарбий гуруҳида қатнашучи давлатлар оддий бўлса ҳам, лекин халқларнинг энг ҳаётий манфаатларига мос келадиган мажбуриятни, я'ни бир-бирларига қарши қуролли куч қўлланмаслик мажбуриятини олишлари лозимлигига розилик бўлмасликнинг сабаби нима? деб биз Женевада айтдик. Бу хусусда мавжуд гуруҳларда қатнашучи давлатлар ўртасида шартнома тузилиши, ҳеч шубҳасиз, Европада самарали хавфсизлик системасини вужудга келтириш ишида олдинга қўйилган қадам бўлур эди.

Европадаги хавфсизлик тўғрисида, шу жумладан, Совет ҳукуматининг мана шу кейинги таклифи юзасидан узил-кесил бамаслаҳат бир фикрга келинмади. Бироқ, тўрт давлат Ҳукуматларининг Бошлиқлари ўртасида бўлиб ўтган фикр олишувлар натижасида бу муҳим масалани муҳокама қилиш давом этдирилиши лозим, деган фикрга ҳамма розн бўлди. Бунда Ғарбдаги уч давлатнинг вакиллари Ғарб гуруҳи блан Варшава гуруҳи ўртасида шартнома тузиш тўғрисида Совет ҳукумати томонидан қилинган таклифни кўриб чиқиш кераклигини ҳам айтдилар.

Тобора ажтуаллашиб бораётган масалани, я'ни бетарафлик ҳамда ҳарбий блокларда ва коалицияларда қатнашмаслик сиёсатини ўтказишни истаган давлатларни тўрт давлатнинг қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги масалани биз Женева Кенгашида қўйдик. Ма'лумки, Европадаги, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги ба'зи давлатларда бетарафлик сиёсатини ўтказиш учун бошланган ҳаракат тобора кучайиб бормоқда. Уларнинг бундай қилишга интилаётганлиги жуда табиийдир, чунки ўтмишдан шу нарса ма'лумки, бетараф сиёсат ўтказиб келган мамлакатлар ўз халқларининг хавфсизлигини та'миндаб келганлар ва ижобий роль ўйнаганлар. Биз Женевада шуни айтдикки, бетарафлик сиёсатини ўтказишни истовчи у ёки бу давлатлар ўз хавфсизликларини ва территориал дахлсизлигини гарантиялаш масаласини қўядиган бўлсалар, Совет Иттифоқи бу хиллаги гарантияларда бошқа давлатлар блан биргаликда қатнашишга тайёр бўлур эди.

Ма'лумки, СССР Австрияга нисбатан шундай таклифни қилди, тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Венадаги кенгашида эса СССР, АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари томонидан Австриянинг бетарафлигини ҳурматлаш тўғрисида принцип э'тибори блан бамаслаҳат бир фикрга келинди.

Бизнинг фикримизча, Женева Кенгашидан кейин ҳам бу масала ҳозирги кунининг зарур масаласи бўлиб қолади ва жиддий э'тибор берилишига сазовордир.

Женева Кенгашида Германия проблемаси устида фикр олишув бўлди. Шуни айтиш керакки, Кенгашда бу проблемани ҳал қилишга, Германия қайси йўлдан ривожланиши лозимлиги масаласини ҳал қилишга турлича қараш борлиги аниқланди. Германия Европада тинчликни та'миндаш манфаатларига мос келадиган йўлдан ривожланадими, ёки Германиянинг ривожланиши бир вақтлар бўлганидек милитаризми тиклаш ва Европанинг марказида янги уруш ўчоғини вужудга келтириш йўлидан боради-ми, деган масала Европа халқларининг хавфсизлиги учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Уч давлат вакиллари Ғарбий Германияни қайта қарбийлаштиришни ва уни Ғарб давлатларининг ҳарбий гуруҳига қўшиб олишни кўзда тутучи Париж битимларини ҳимоя қилиб чиқдилар. Шу блан бирга улар бирлаштирилган Германия ҳам мазкур Ғарб гуруҳига, албатта, қўшилиши лозим, деб ўйлаётганликларини яширимадилар. Равшандирки, Совет Иттифоқи бу хиллаги нуқтаи назарга розн бўлаолмади ва розн бўлиши мумкин эмас, чунки бундай нуқтаи назар Европа хавфсизлиги манфаатларига, шу жумладан, Совет Иттифоқининг хавфсизлиги манфаатларига ҳам мос бўлиб тушмайди. Биз Европа хавфсизлиги манфаатларини, Совет Иттифоқининг хавфсизлиги манфаатларини назардан қочиришимиз мумкин эмас ва бундай қилишга ҳаққимиз йўқ.

Улар бизнинг бу таклифимизга, Ғарбдаги уч давлат беш давлат (СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Бирлаштирилган Германия иштироки блан) пактини тузишга розилик билдирган бўлур эди ва бундай пактнинг мажкур қатнашчилари Совет Иттифоқига «хавфсизлик гарантияси»ни беришга тайёрдир, дедилар. Биз бунга жавобан айтдикки, биз Совет Иттифоқига гарантиялар бериш масаласини тўла ойдинлаштириб олишни истаймиз. Агар гап ўз хавфсизлигини тўла равишда та'миндай-оладиган қуролли кучлари бўлмаган кичик давлат устида борадиган бўлса, у ҳолда бундай давлатга гарантиялар бериш тўғрисидаги таклифлар тушунарли бўлур эди, деб айтдик. Мутлақо равшандирки, СССРга нисбатан бу хусусда қилинадиган ҳаркандай таклифлар учун ҳечбир асос йўқ.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бунда Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига қарши қаратилганлиги очиқ кўриниб турган шартномалар ва битимлар юзасидан олинган сепарат ҳарбий мажбуриятлар орқали бир-бирлари блан боғланган давлатлар томонидан Совет Иттифоқига берилиши лозим бўлган гарантиялар устида гап бормоқда.

Совет Иттифоқи, аввало Умумевропа хавфсизлиги системасини вужудга келтириш, шунингдек герман милитаризмининг тикланишига йўл қўймаслик, Германиянинг Европада янги агрессия ўчоғига айлантирилишига йўл қўймаслик Европадаги хавфсизликнинг энг муҳим гарантияси бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Женевада биз Германия масаласи юзасидан ўз фикрларимизни баён қилдик. Биз айтдикки, Париж битимларининг амалга оширилиши, я'ни Ғарбий Германиянинг қайтадан қуроллантирилиши, унинг ҳарбий потенциалининг тикланиши ва Ғарбий Германиянинг ғарбдаги ҳарбий гуруҳларга қўшилиши Германияни бирлаштириш вазифаси блан сиғишмайди. Биз Совет Иттифоқи бундан илгари ҳам АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг диққатини Париж битимлари нимага олиб келишига тортганлигини эслатиб ўтдик.

Ҳозир Париж битимлари кучга кирди ва амалга оширилмоқда, бунинг натижасида эса янги бир аҳвол вужудга келдики, буни э'тиборсиз қолдириб бўлмайди. Бироқ, шу блан бирга бу ҳол, Париж битимлари амалда мавжуд экан, Германия масаласининг ҳал қилинишини бошқа йўлдан — Европада халқаро кескинликни юмшатиш йўлидан, давлатларнинг мавжуд ҳарбий гуруҳларини тугатиш ва Европада коллектив хавфсизликнинг самарали системасини вужудга келтириш йўлидан изламоқ керак, деган ма'нони билдиради. Герман халқининг ҳам, бошқа манфаатдор давлатлар халқларининг ҳам бутун куч-қуввати худди ана шу томонга йўналтирилмоғи лозим.

Шу нарсани фақат қаноат блан қайд қилиб ўтмоқ мумкинки, Ғарбий Германиянинг жамоат доираларида ва Ғарбий Германия матбуотида Германияни қайтадан бирлаштириш масалаларида Германия Федерал Республикаси ҳукуматининг сиёсатини ўзгартиш тўғрисида тобора кўпроқ ва қат'ийроқ талаблар кўрилмоқда, чунки Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантиришга ва уни ҳарбий блокларга қўшишга асос қилиб олинган сиёсат бу мамлакатни бирлаштириш имкониятини йўққа чиқаради.

Модомики, сўз Германияни бирлаштиришнинг ташқи, халқаро шарт-шароити устида борар экан, Германия масаласи тўғрисидаги аҳвол ана шундан иборат.

Бироқ, шуни унутмаслик керакки, Германиянинг ўзида ҳам унинг келажаги масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўладиган ички шароитлар ҳам мавжуддир.

Ҳозирги Германия бундан 10 йил илгари, гитлерчилар режими тор-мор қилингандан кейин биринчи даврда мавжуд бўлган Германия эмас. Ўтган 10 йил ичида Германия территориясида иккита мустақил герман давлати — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси ташкил топди. Бу икки республикани бошқа мамлакатлар суверен давлатлар сифатида таниди. Бу икки республика бошқа мамлакатлар блан дипломатик ва савдо муносабатлари боғлаб турмоқдалар ва улар Европадаги тегишли шартномалар ва битимларнинг иштирокчисидирлар.

Шу ҳолни назар-э'тиборга олмоқ керакки, бу давлатларнинг ҳар иккаласида ўз табиатига кўра бошқа-бошқа ижтимоий ва иқтисодий укладлар вужудга келди. Германия Демократик Республикасида ҳокимият тепасида ишчилар ва уларнинг иттифоқчилари бўлган, социалистик қурилиш йўлига кирган ҳамда ўзлари танлаб олган йўлнинг тўғрилигига батамом ишонган меҳнаткаш деҳқонлар блан интеллигенция турипти. Агар Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари, биз шу ўтган давр ичида қўлга киритган ғалабаларимизни хавф-хатар остига қўяолмаймиз, десалар, бунинг сабаби тамомила равшандир.

Германияни бирлаштириш масаласини ҳал қилганда Германия Демократик Республикасининг фикри блан ҳам, Германия Федерал Республикасининг фикри блан ҳам ҳисобланмаслик мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, бу масалани немисларнинг ўзларининг иштирокисиз ҳал қилиш мумкин эмас.

Шуларнинг ҳаммасидан шундай ма'но келиб чиқадики, Германия масаласини ҳал қилишда Германиянинг ҳар иккала қисмини механик равишда қўшиш йўли блан уни бирлаштириш мумкин эмас ва бундай қилишга ҳаркандай уринишлар ва планлар муваффақиятга эришаолмайди, чунки бундай қилинганда реал вазият назар-э'тиборга олинмасдан қолади. Ҳозирги шароитда Германия проблемасини фақат аста-секинлик блан, Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикасининг ўзаро ҳамкорлиги асосида ҳамда уларнинг тинчлик ва тараққиёт манфаатларига мувофиқ келадиган яқинлашувлари асосида ҳал қилиш мумкин.

Женевада биз Германия масаласида умумий бир фикрга келолмадик. Бироқ, бўлган фикр олишувлар ва бу фикр олишувлар давомида совет делегациясининг ўз позициясини очиқ-ойдин баён қилганлиги тўрт давлат министрлари шу йилнинг октябрь ойида Женева кенгашида муҳокама қилинган масалалар юзасидан янгидан музокара бошлаганларида, ўз аҳамиятини кўрсатади.

Ташқи ишлар министрлари Германия масаласини ҳал қилиш йўлида кўпгина қийинчиликларга ва монеликларга дуч келишларини Совет ҳукумати жуда яхши билади. Бунинг сабаби ма'лум, чунки тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгашида Германия проблемасини ҳал қилишга бошқа-бошқа икки қараш борлиги ма'лум бўлди.

Лекин Германия проблемасини тартибга солиш блан боғлиқ бўлган қийинчиликлар ташқи ишлар министрлари кенгашининг муваффақият блан ишлашига тўсиқ бўлмаслиги лозим, жумладан, бу қийинчиликлар ташқи ишлар министрлари қараб чиқишлари лозим бўлган энг асосий масалани,— Умумевропа хавфсизлиги системасини вужудга келтириш масаласини ҳал қилишда тўсиқ бўлаолмайди.

Женева кенгашида қуролсизланиш масаласига катта э'тибор берилди. Бунинг сабаби проблемаларнинг ўз аҳамиятидан келиб чиқади. Қуролли кучларнинг кўпайиб борини ҳамда қурол-аслаҳаларнинг мисли кўрилмаган даражада ўсиши ва мукаммаллашуви йил сайин тобора кенг кўламга кирмоқда, бу ҳол халқларни ўз келажаги учун қонуний ташвишга солмоқда. Атом қуроли, водород қуроли ва бошқа хилдаги янги қирғин қуролларининг ишлаб чиқарилаётганлиги ва йиғиб қўйилаётганлиги муносабати блан бу ҳолни айниқса та'кидлаб кўрсатмоқ керак.

Ма'лумки, қурол-аслаҳаларни қамайтириш ва атом қуролини тақиқлаш масаласи юзасидан қарийб ўн йил давом этган музокаралар кўнгилдагидек натижа бермади. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда, биринчи галда буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларда юз берган «совуқ муносабатлар уруши» ва бир-бирига ишонмаслик шунга олиб келдики, кейинги йилларда бу музокаралар ҳақиқатан бошиберк кўчага кириб қолди.

Совет ҳукуматининг фикрича, қуролсизланиш проблемасини қараб чиққанда, ҳозирги вақтдаги асосий вазифа — бу масалада давлатларнинг тутган позицияларини бир-бирига яқинлаштириш ва оддий қурол-аслаҳаларни қамайтириш масаласида ҳам, атом қуролини тақиқлаш масаласида ҳам ўзаро сўзлашиб бир фикрга келишдан иборат.

Совет ҳукуматининг 10 майдаги қурол-аслаҳаларни ялпи қамайтириш, атом қуролини тақиқлаш ва янги уруш хавфини йўқ қилиш тўғрисидаги ма'лум таклифлари худди ана шу мақсадга мувофиқ келади. Жаҳондаги кенг жамоат доиралари томонидан, шу жумладан, Европа ва Осиёдаги бирқанча давлатлар бу таклифларга Совет Иттифоқининг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашда олга ташлаган энг катта қадами деб муносиб равишда баҳо бердилар.

Совет ҳукуматининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига киритган бу янги таклифлари ҳали қараб чиқилмаганлигини, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари эса бу таклифлар тўғрисида ўз фикрларини билдирмаганликларини назарда тутиб, Женева кенгашидаги делегациямиз, табиийки, биринчи галда юқорида кўрсатилган давлатларнинг бу таклифларга қандай қарашлари блан қизиқди. Биз ғарбий давлатларнинг беш буюк давлат учун қуролли кучлар сақлаш даражаси тўғрисидаги таклифига Совет Иттифоқининг қўшилганлигига э'тиборни тортдик, я'ни АҚШ, СССР ва Хитой Халқ Республикаси учун 1 миллиондан 1,5 миллион кишигача, Франция ва Буюк Британия учун 650 минг кишидан қуролли куч сақлаш тўғрисидаги таклифга қўшилганлигимизни билдирдик. Шу муносабат блан бизнинг, уч давлат ҳам атом қуроли масаласида худди шундай позиция тутади ва бу позиция бу масалада бир фикрга келишга имкон беради, деб умид қилишга асосимиз бор. Шундай қилганда, қуролсизланишнинг бутун проблемаси реал заминга қўйилган бўлар эди.

Бироқ, оддий қурол-аслаҳаларни қамайтириш ва атом қуролини тақиқлаш масаласида бир фикрга келиш анча вақтга чўзилишини назарда тутиб, биз Женева кенгашида қатнашган давлатлар биринчи бўлиб атом ва водород қуролини ишлатмаслик мажбуриятини ҳозирданоқ ўз устларига олишларини ва бошқа давлатларни ҳам шундай қилишга чақиришларини таклиф қилдик.

Совет Иттифоқининг 10 майда қилган таклифларида қурол-аслаҳаларни қамайтиришни амалга ошириш ва атом қуролини тақиқлаш устидан халқаро контроль қилишнинг самарали системасини вужудга келтиришга алоҳида э'тибор берилган эди.

АҚШ президенти «қуролсизланишнинг ҳарбир плани контроль ва инспекция масаласига бориб тақалади» деб жуда тўғри қайд қилиб ўтди. Бу масала ҳақиқатан ҳам жуда жиддий масаладир, шунинг учун ҳам биз бу масалани ўзаро мақбул равишда ҳал қилишимиз лозим.

Совет ҳукумати, барча давлатларнинг ишончини қозонаоладиган ва халқаро хавфсизлик манфаатларига батамом мувофиқ келадиган бундай халқаро контроль учун зарур шарт-шароит ҳозирги вақтда йўқ, деб ҳисоблайди. Қўшма Штатларнинг ҳукумати ҳам бу фикрга қўшилди. АҚШ президентининг Женева кенгаши олдидан ҳозирги пайтда «Қўшма Штатларнинг ҳамма заводларини» чексиз инспекция қилиш учун «очиб бериш» имконияти тўғрисида айтган фикрларини тушуниш мумкин.

Хўш, нима қилмоқ керак? Совет ҳукумати, халқаро контроль ўрнатиш ҳамда халқаро контроль органининг ҳуқуқлари ва ваколати тўғрисидаги масалани халқаро кескинликни камайтириш, давлатлар ўртасида бир-бирига ишончни мустаҳкамлаш ва қурол-аслаҳаларни қамайтириш ҳамда атом қуролини тақиқлашга оид бошқа чораларни кўриш тадбирларини амалга ошириш блан маҳкам боғланган ҳолда қараб чиқмоқ зарур, деб ҳисоблайди.

Женева Кенгашида АҚШ президенти жаноб Д. Эйзенхауэр Совет Иттифоқи блан Қўшма Штатлар ўртасида ўзаро ҳарбий информация бериб туришни ташкил қилишни ҳамда ҳар икки томондан территорияни самолётдан туриб суратга олиш тадбирини кўришни таклиф қилди.

Халқаро контроль ҳаби жуда мураккаб проблемани ҳал қилишга интилишдаги бу таклифга муносиб баҳо бериш блан бирга шуни айтиб ўтиш керакки, бундай тадбирларнинг реал натижаси унчалик катта бўлмаган бўлар эди.

АҚШ ҳукуматининг раҳбарлари блан ғайри-расмий суҳбатларда биз очиқдан-очиқ айтдикки, самолётдан туриб суратга олиш кўнгилдагидек натижа бераолмайди, чунки бизнинг иккала мамлакатимизнинг территорияси жуда ҳам кенг бўлиб, бу территорияларда истаган нарсани бемалол бекитиш мумкин. Яна шу фактни ҳам назарда тутмоқ керакки, юқорида таклиф қилинган план фақат ҳар иккала мамлакатнинг ўз территориясига оид бўлиб, бошқа давлатларнинг территориясида жойлашган ҳарбий кучлар ва ҳарбий иншоотларни э'тиборсиз қолдириб кетади.

Биз, халқаро контроль ўрнатиш тўғрисида муфассал суратда ишлаб чиқилган ва Совет ҳукумати томонидан 10 майда киритилган таклифларни реалроқ ва самаралироқ таклифлар деб ҳисоблаймиз.

Бу таклифлар қурол-аслаҳаларни қамайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тадбирларини амалга оширишнинг биринчи давридаёқ халқаро контроль органга кенг ҳуқуқ ва ваколат бериш имкониятини беради.

Совет ҳукумати 10 майда қилган таклифларида жуда радикал контроль методини баён қилди, я'ни халқаро контроль орган бир давлатнинг бошқа давлатга тўсатдан ҳужум қилишининг олдини олиш мақсадида барча тегишли давлатларнинг территориясида ўзаро келишиб дарҳол контроль постлар тузиш методини баён қилди. Биз бу постларни йирик портларда, темир йўл узелларида, автомагистральларда ва аэродромларда тузишни таклиф қилдик. Бу постлар тузилганда, улар қуруқликдаги ҳарбий кучларнинг ҳамда ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларининг хавфли равишда бир жойда тўпланиши ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши ҳоллари юз бермаслигини кузатиб турган бўлар эди.

Совет делегацияси Женевада, қуролли кучларнинг сонини ва қурол-аслаҳаларни қамайтириш бундан кейин яна пайсалга солинмасдан бошланиши керак, деган истакни билдирди. Биз тўрт давлат Австрия территориясидан чиқариладиган қўшинларни сонига нисбатан ўз ҳарбий контингентларини қисқартириб, бу жиҳатдан намуна кўрсатишлари лозим, деб таклиф қилдик. Совет ҳукумати яқинда Австрияда жойлашган барча совет қўшинларини 1 октябрьгача Австрия территориясидан чиқариб Совет территориясига олиб кетиш ва ССР Иттифоқи Қуролли Кучлари сонини Австриядан олиб чиқиб кетилаётган қўшинлар сони миқдорида қисқартириш тўғрисида қарор қилди. Қолган уч давлат ҳам шундай чора кўрганда, бу ҳол халқлар ўртасида ишонч тиклаган ва қурол-аслаҳаларни қамайтириш манфаатларига жавоб берган бўлар эди.

Бизнинг қилган таклифларимиздан фақат биргина оддий ва равшан мақсад кузатилган эди, у ҳам бўлса халқаро кескинликни янада қамайтириш, халқларни уруш хавфидан қутқариш, уларнинг кўнглига келажакдаги авлодларнинг бахт-саодати учун тинч яшаш ва меҳнат қилаолиш ишончини жо қилишга эришиш эди. **(Давомли қарсаклар).**

Юз миллионларча кишилар қаттиқ туриб ана шуни талаб қилмоқда. Бу жиҳатдан характерли факт шундан иборатки, Совет ҳукумат делегацияси Женевада бўлган вақтда кўп мамлакатлардаги хилма-хил ташкилотлар ва айрим кишилардан жуда кўп хат олди. Ўша кунлари Женевага Франциядан, Германиянинг ҳар иккала қисмидан ва бошқа давлатлардан юзларча делегация келди. Бу делегатларнинг ҳаммаси қаттиқ туриб, «совуқ муносабатлар урушини» тўхататиш ва халқларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши учун зарур шароит тугдиришни талаб қилди.

Биз Женевада 5—6 кун ичида совет делегацияси киритган таклифларнинг ҳаммаси юзасидан бир фикрга келолдамиз, деб ўйлаган эмас эдик, албатта. Тажриба шуни кўрсатдики, бундай масалалар юзасидан бир битимга келишиш учун вақт талаб қилинади, айниқса қурол-аслаҳаларни қисқартириш, атом қуролини тақиқлаш ва бу тадбирларни амалга ошириш устидан самарали халқаро контроль ўрнатиш тўғрисида халқаро конвенция тузиш ҳаби жуда мураккаб проблемани ҳал қилиш устида сўз борганда, бунинг учун вақт талаб қилинади. Шунинг учун биз тўрт давлат ҳукуматларининг бошлиқлари фикрлари бир-бирига аслда тўғри келадиган ёки анчагина яқинлашиб келган масалалар юзасидан ўз қарашларини қайд қилишлари керак, деб таклиф қилдик. Бу гап энг аввал беш давлатнинг мен юқорида айтиб ўтган қурол-аслаҳаси даражасига, оддий қурол-аслаҳаларни қамайтириш ва атом қуролини секин-секин тақиқлаб бориш, шунингдек халқаро контроль ўрнатиш масаласини ҳал қилишга таллуқлидир. Биз Женева Кенгашида қуролсизланишнинг ба'зи асосий масалалари юзасидан шундай бир фикрга келиш бу проблемани бундан кейин янада қараб чиқишни ва юқорида кўрсатилган халқаро конвенцияни тузишни кўп даражада енгиллаштирган бўлар эди, деган фикрга асосланиб иш кўрдик.

Қуролсизланиш проблемасининг моҳияти юзасидан бир битимга келиш йўлларини қидиришни давом этдиришга қарор қилинди. Бу тўғрида тўрт давлат ташқи ишлар министрларига тегишли директива берилди.

Женева кенгашининг кун тартибида турган тўртинчи масала Шарқ блан Ғарб ўртасида ҳамжиҳатликни ривожлантириш масаласи эди.

Совет Иттифоқи давлатлар ўртасида кенг халқаро ҳамкорлик ўрнатиш, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ҳартомонлама ривожлантиришга тарафдор бўлиб келди ва ҳозир ҳам тарафдордир. Биз мамлакатларнинг бир-бирига делегациялар юбориб туришларини ва саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, фан, маданият, сан'ат ходимларининг ва жамоат арбобларининг бир-бирларининг мамлакатларига бориб туришларини жуда фойдали деб ҳисоблаймиз. Шунингдек биз туризмни ҳам ривожлантириш тарафдоримиз.

Биз СССР блан АҚШнинг бир-бирларига қишлоқ хўжалик делегациялари юборганликлари ҳаби фактларга ижобий баҳо берамиз ва совет қишлоқ хўжалик делегациясининг АҚШда, Америка делегациясининг Совет Иттифоқида олиб бораётган ишлари жуда яхши муҳитда бораётганлиги тўғрисида ўз хурсандчилигимизни билдирамиз.

Ҳозирги вақтда Буюк Британия блан Совет Иттифоқи ўртасида маданий ҳамкорлик соҳасида алоқани кучайтириш масаласи юзасидан музокара юргизилмоқда. Бу музокаралар муваффақият блан тамом бўлади, деб умид қиламиз. Яна шуни ҳам қайд қилиб ўтмоқ керакки, Буюк Британия бош министри Иден блан бўлган ғайри-расмий музокаралар давомида биз ҳарбий-денгиз флоти кемаларини ҳамда ҳарбий делегацияларни мамлакатларимизга юбориб туришни ташкил қилиш масаласини ижобий ма'нода муҳокама қилдик.

Женевада Шарқ блан Ғарб ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатиш масаласининг муҳокама қилинишни шу блан тамом бўлдики, ҳукумат бошлиқларининг Кенгаши президент Д. Эйзенхауэрнинг таклифи блан қуйидаги қарорни қабул қилди:

«Ташқи ишлар министрлари экспертлар воситаси блан тегишли тадбирларни ўрганишлари ва бу тадбирлар қаторига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг органларида ва муассасаларида (А) халқлар ўртасида эркинлик блан алоқа боғлашга ва тинч йўл блан савдо-сотиқ қилишга тўсқинлик қиладиган ғовларни аста-секин йўқ қилишга олиб боралиган ва (Б) манфаатдор мамлакатлар ҳамда халқлар учун ўзаро фойдали бўлган эркин ҳамжиҳатлик ва алоқаларни йўлга қўйишга олиб келадиган чораларни ҳам шу тадбирлар қаторига қўшишлари лозим».

Шубҳа йўқки, гарчи гап тўрт давлат ўртасидаги муносабатлар устида борар экан, бу ишдаги муваффақият халқаро кескинликни юмшатишга, давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берган бўлар эди, лекин шуниси ҳам борки, давлатлар ўртасидаги мунос

Ўртоқ Н. А. БУЛГАНИН докладининг охири

(БОШИ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ БЕТЛАРДА)

Совет ҳукумати Женева кенгашида Осиё ва Узоқ Шарққа доир етилган масалаларни ҳам муҳокама қилишни таклиф қилди, буни мен юқорида айтиб ўтдим. Гарчи Женева кенгашида бу масалаларни расмий йўсинда муҳокама қилиш зарурлиги тўғрисида бир фикрга келишга муваффақ бўлмасак ҳам, лекин биз АҚШ, Буюк Британия ва Франция делегацияларининг раҳбар арбоблари билан бу масалалар юзасидан ғайри расмий фикр олишдик. Мажлислардан ташқари ўтказилган бу ғайри-расмий суҳбатлар давомида 1954 йилги Женева битимининг бажарилиши муносабати блан Ҳинди-Хитой масаласи, шунингдек АҚШ блан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар масаласи устида гап борди. Табиийки, биз асосий э'тиборни Тайвань масаласига ва Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ҳуқуқлари масаласига қаратдик. Совет ҳукумати, юқорида кўрсатилган фикр олишувлар бу масалаларни хитой халқининг ва Осиёдаги барча халқларнинг қонуний ҳуқуқлари блан ҳамда Узоқ Шарқда тинчликни сақлаш манфаатлари блан мувофиқ равишда тартибга солишга ёрдам беради, деб умид қилади.

Бу ерда Хитой Халқ Республикасининг ҳал қилинмаган халқаро проблемаларни тартибга солишга қаратилган ва Осиёда ҳамда Тинч океан ҳавзасида халқаро ишонч ўрнатиш учун қулай истиқбол очиб берадиган янги муҳим таклифлар қилганлиги катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидлаб ўтмоқ зарур. Совет ҳукумати Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Ўртоқ Чжоу Энь-лайнинг 30 июльда халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг иккинчи сессиясида «Ҳозирги замон халқаро аҳвол ва Хитой Халқ Республикасининг ташқи сиёсати тўғрисида» қилган докладида баён қилинган бу таклифларни тўла-тўкис қувватлайди.

Женева кенгаши ўз ишининг охирида Женева кенгашида муҳокама қилинган бутун тўрт масала юзасидан, я'ни Европада хавфсизлик, Германия масаласи, қуролсизланиш ҳамда Шарқ блан Ғарб ўртасида ҳамжиҳатликни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳукумат бошлиқларининг тўрт давлат ташқи ишлар министрларига ўзаро келишилган директиваларини қабул қилди. Бу директиваларнинг муҳимлиги шундаки, улар Кенгашнинг ҳамма қатнашчиларининг давлатлар ўртасида бир фикрга келиш зарурлиги мумкинлигини излаб топиш тўғрисида юқорида кўрсатилган проблемаларни муфассалроқ кўриб чиқишга бўлган интилишларини ифодалайди. Женевада қабул қилинган директиваларнинг катта аҳамияти ҳам ана шунда.

III.

Женева кенгашининг натижалари. Бизнинг хулосаларимиз

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгашини якунлар эканмиз, шуни эслатиб ўтмоқ зарурки, биз Женевага жўнаш олдидан, бирнеча кун ичида ҳамма мураккаб халқаро проблемаларни ҳал қилишга умид боғлаш соддаликлик бўлар эди, деган эдик. Фақат му'жизага ишончи кишиларгина бунга умид боғлашлари мумкин эди. Шу блан бирга биз асоссиз пессимизмни ҳам қат'ий равишда рад қилган эдик.

Аҳволга берилган бундай баҳонинг тўғрилигини турмушнинг ўзи тасдиқлади. Женева кенгаши анчагина ижобий натижалар берганлигини ва бу натижалар келажакда яна кўпроқ даражада ўз та'сирини кўрсатишини ҳозир кечкин инкор қилаолмайди. Женева кенгаши давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган ва биринчи галда буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни юмшатиш ишида, бу давлатлар ўртасида зарур ўзаро ишонни тиклаш ишида муҳим роль ўйнади.

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш вазиятида ўтган учрашуви, шубҳасиз, халқаро муносабатларда чуқур та'сир қолдиради ва бу муносабатларнинг келажакда янада ривожланишига яхши та'сир кўрсатади. Тўрт буюк давлатнинг раҳбар арбоблари ўртасида шахсий ҳамжиҳатликнинг йўлга қўйилиши катта аҳамиятга эгадир.

Кенгашда ҳукм сурган ҳамкорлик ва ўзаро тушунишга интилиш руҳи жуда дувончли эди. Бу ҳол айниқса ғайри-расмий учрашувларда яққол сезилди, бу учрашувлар барча масалалар юзасидан очиқдан-очиқ фикр олишув имкониятини берди. Бизнинг Женева кенгашида бошқача қайфиятларга дуч келмаганлигимизни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ керак. Акси-нча, қараб чиқилган проблемаларнинг моҳияти юзасидан тутилган позицияларда хилма-хиллик бўлишига қарамай, Кенгашда муҳокама қилинган амалий масалаларда бир фикрга келиш имкониятини ҳамма излади.

Биз Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция раҳбар арбоблари блан бирга, муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз позицияларимизнинг бир-бирига яқин келадиган нуқтасини аниқлаб олдик, орамизда келишмовчилик нимадан иборат эканлигини яхши тушуниб, зарур битимга эришиш учун йўл қидиришни давом этдиришга фикрига келдик. Биз мавжуд қийинчиликларнинг янада музокаралар юргизиш йўли блан бартараф қилинишига ва тинчлик ишининг манфаати учун мунозарали масалаларни ҳал қилабилишимизга шак-шубҳа қилмаймиз. **(Қарсаклар).**

Кенгашда тўрт давлат ташқи ишлар министрлари учун ишлаб чиқилган директивалар ўзаро мақбул бўлган қарорлар излаб топишнинг натижасидир, бу ишлар давомида музокарада қатнашган ҳамма давлатларнинг манфаатлари назарда тутилди. Муҳим халқаро проблемалар фақат ана шундай йўл блан ҳал қилинади. Женевада «зўравонлик ишлатиш» сиёсати бир чеккага йиғиштириб қўйилди. Буни фақат табрикламоқ керак, буни айниқса шунинг учун табрикламоқ керакки, Женева музокараларининг конструктив руҳи ҳозирги вақтда халқаро муносабатларга ўзининг самарали та'сирини кўрсатишни давом этдирмоқда. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, масалан, сўнгги кунларда АҚШда ҳам, Англияда ҳам давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг принципи «зўравонлик ишлатиш» эмас, балки музокаралар юргизиш бўлиши лозим, деган фикрлар баён қилинмоқда ва бу фикрлар келажакдаги дипломатик учрашувлар учун муҳим аҳамиятга эгалир.

Биз Женева кенгаши ижобий натижалар беради деб ишониб, янглишмадик. Биз бундан кейин ҳам яхши ният блан иш кўрганда ва манфаатдор томонларнинг манфаатлари ҳисобга олинганда, тўрт давлат муҳим халқаро проблемаларни қараб чиқиш ва тартибга солиш ишида янги, ижобий натижаларга эришаоладилар, деб ҳозир ҳам ишонамиз.

Женева Кенгашини жаҳондаги жуда кенг жамоат доиралари ма'куллади. Халқлар бу кенгашнинг якунларини тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун қурашда зўр бериб қилган ҳаракатларининг муҳим натижаси деб табрикламоқдалар. Шу блан бирга, улар бошланган ишни охирига етказмоқ учун ўзларининг бу қаракатларини давом этдиришга қарор қилганликларини биллирмоқлар. Умуман олганда, Женева кенгашининг натижаларига тинчлик сари ва «совуқ муносабатлар уруши»ни тугатиш сари қўйилган жиддий қадам деб, ҳаққоний равишда баҳо бермоқдалар.

Давлатларнинг раҳбар доираларида ҳам Женева кенгашининг муваффақияти хурсандчилик блан қилинмоқда.

Женева кенгашининг қатнашчилари — АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр, Англия бош министри А. Иден, Франция бош министри Э. Фор бу кенгашнинг якунлари тўғрисида баёнот бердилар. Шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, бу баёнотларнинг ҳаммасида Женева кенгашининг муваффақиятини та'минлашга ёрдам берган ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш истиқболини очиб берган ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш руҳи ҳукм суради. Жумладан биз, президент Д. Эйзенхауэрнинг «ўтмишнинг хунук та'сирларини — салбий та'сирларини — шунчаки тақрорлаб юрмасдан, конструктив йўл блан илгарилаб бормоқ керак», деган фикрини табриклaймиз.

Шу муносабат блан айтиб ўтмоқ керакки, АҚШнинг расмий доираларида сўнгги вақтда тегишли хулоса чиқаришга ва халқаро муносабатларни нормал ҳолга келтириш учун ёрдам беришга интилиш кўринмоқда. АҚШда шу йўлда иш олиб бораётган кучлар майдонга чиқаётганлигини қайд қилиб кўрсатиш қувончлидир. Масалан, АҚШ конгресси ташқи ишлар сенат комиссиясининг раиси Уолтер Жоржнинг сўзлаган нутқини бунда эслатиб ўтиш ўринлидир. Уолтер Жорж яқин вақт ичида давлатлар ташқи ишлар министрлари кенгашини чақириши ва бу кенгашда Хитой Халқ Республикасини иштирок этдириши қаттиқ туриб талаб қилмоқда. Жаноб Жорж Америка-Хитой муносабатларининг нормал ҳолга солиниши Узоқ Шарқда кескинликни юмшатиш йўлида анча муваффақиятга эришгирган бўлар эди, деб жуда тўғри айтади.

Шундай факт диққатга сазоворки, жаҳон матбуот органларининг кўпчилиги Женева кенгашининг якунларига ижобий баҳо бермоқда.

Масалан, та'сири зўр бўлган «Нью-Йорк таймс» деган америка газетаси бундай деб ёзади:

«Ҳукумат бошлиқларининг кенгашидан илгариёқ Ғарбда жанжал чиқиш имконияти йўқолган эди. Лекин ҳозирги вақтда тўрт буюк давлат ҳукумат бошлиқлари ўртасида ўрнатилган муносабатлар натижасида Осиёда жиддий кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳамма куч-қувват сарф қилинади, деб ўйлаш мумкин».

Англияда энг кўп тарқалган «Ньюс оф уорлд» газетаси инглиз парламентининг а'зоси консерватор Бутбининг мақоласини босиб чиқарди. Бутби ўз мақоласида Женева кенгашини «бутун жаҳондаги ма'навий кучларнинг катта ғалабаси бўлиб, бу кучлар тинчлик ини манфаатини кўзлаб, ҳамма ҳукуматларга тобора кўпроқ та'сир кўрсатади» деб та'рифлайди.

Француз газетаси «Попюлер»нинг қуйидаги фикри характерлидир: «Албатта, министрларга берилган директивалар қўйилган проблемаларни ҳал қилмайди. Лекин директиваларнинг ифодаланганлиги фактининг ўзиёқ тўрт буюк давлатнинг тинчликка бўлган иродасини кўзловчи далилдир. Иллюзияларга берилиб кетмайлик. Қийинчилик ҳали олдинда. Бироқ, Женевада янги кайфият вужудга келтирилди. Бу эса умидвор бўлиш учун асосдир... Совуқ муносабатлар уруши тамом бўлган Женевада мустаҳкам тинчликнинг перспективаси белгиланди».

Женева кенгаши вақтида Буюк Британия бош министри А. Иден блан Совет Иттифоқи делегацияси ўртасида бу ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш мумкинлиги масаласи муҳокама қилинди. Мен блан ўртоқ Н. С. Хрушчевни жаноб А. Иден Англияга боришимизни таклиф қилганлигини ва бу таклифни биз қабул қилганлигимизни матбуотдан ўқиб билгансиз. Бу тўғрида Британия ҳукумати блан келишилган қуйидаги баёнот э'лон қилинди: «Женева кенгаши вақтида Қўшма Королликка Бош Министри блан Совет Иттифоқи Министрлар Совети раиси Женевада ўзлари томонидан ўрнатилган шахсий ҳамжиҳатлик блан қайд қилинмоқда.

Женева кенгашининг якунлари қуйидагиларни кўрсатди:

Биринчидан, кенгаш халқаро вазиятдаги кескинликни янада камайтиришга аниқ ёрдам берди ва бизнинг ишонамизки, бу кенгаш мустаҳкам ва узоқ давом этадиган тинчликни та'минлашнинг ва олижаноб мақсадга эришишга ҳам ёрдамлашади. Совет ҳукумати бу мақсадга эришиш учун барча чораларни кўради.

Иккинчидан, кенгаш даврида тўрт давлат арбоблари ўртасида шахсий ҳамжиҳатлик ўрнатилиши жуда самарали бўлди ва ҳамжиҳатлик расмий музокараларга қараганда кам аҳамиятга эга бўлмади.

Совет ҳукумати бундан бўён ҳам давлат арбоблари ўртасида ҳамжиҳатликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериш учун тайёрдир.

Учинчидан, Женева кенгаши тўрт давлат ўртасида, шунингдек бошқа давлатлар ўртасида ҳам муносабатларнинг яхшиланиши учун муҳим бурилишни бошлаб берди. Агарда ҳарбир томондан ҳамкорликка яхши ният блан самимий интилиш бўлса, бу бурилиш «совуқ муносабатлар уруши»ни тугатади, деб умид қиламиз.

Совет ҳукумати «совуқ муносабатлар уруши»га ҳотима бериш учун, халқаро муносабатларда кескинликни йўқотиш учун, бутун дун'ёда мустаҳкам тинчликни та'минлаш учун ҳамма чораларни кўриб келди ва бундан кейин ҳам кўрали. **(Гулдурос қарсаклар).**

Женева кенгашининг якунлари унинг тинчлик иши учун ижобий натижалар берганлигини кўрсатади.

Бироқ, биз ҳали тартибга солинмаган халқаро проблемаларни ҳал қилиш йўлини излашимиз лозим бўлади ва шу нуқтаи назардан тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг октябрьда бўладиган кенгаши катта аҳамиятга эгадир. Ташқи ишлар министрлари давлат бошлиқлари тасдиқлаган директиваларга мувофиқ Европа хавфсизлиги, Германия проблемаси масаласини ҳал қилиш учун, қуролсизланиш ва Шарқ блан Ғарб ўртасида ҳамжиҳатликни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш учун самарали чораларни кўришлари керак бўлади. Ташқи ишлар министрлари бу мураккаб халқаро проблемаларни ҳал қилиш йўлида албатта қийинчиликларга дуч келадилар.

Бироқ, бу қийинчиликлар енгиб бўлмайдиган қийинчиликлар эмас.

Агар ташқи ишлар министрларининг яқин келажакда бўладиган кенгашининг ҳамма қатнашчилари ҳамкорликка ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувида ҳукм сурган бир битимга келишга интилсалар, тўрт давлат ташқи ишлар министрлари ҳозирги ҳал этилмаган халқаро проблемаларни тартибга солишда муваффақиятларга эришадилар.

Совет ҳукумати тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг яқин келажакдаги учрашувларида ўз олдиларига қўйган вазифаларни муваффақият блан ҳал қилиш учун бутун куч-қувватини сарф қилади.

Халқаро вазиятни соғломлаштириш, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни йўлга қўйишда дастлабки ютуқларга эришилди. Лекин биз олдимизда турган қийинчиликдарданкўз юммаймиз. Женевадаги музокаралар катта ва қийин ишнинг фақат бошланишигина эканлигини, бу ишдан мақсад давлатлар ўртасида чинакам ишончни йўлга қўйиш ва тинчликни мустаҳкамлаш эканлигини биз биламиз. Бу мақсадларга эришиш учун халқит берадиган кучлар топилиб қолишини унутмасдик керак. Бу — халқлар ўртасида тинчлик учун қурашда сабот ва матонат кўрсатишни талаб қилади. Бу ҳол бизни Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлашга, ўз социалистик экономикамизни ривожлантиришга, Совет давлатининг мудофаа қобилияти тўғрисида лозим даражада ҳуш'ёрлик ва ғамхўрлик кўрсатишга мажбур қилади.

Совет ҳукумати тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши муваффақиятли иш олиб бориши учун қулай шарт-шароит тугдириш йўлида бутун куч-қувватини сарф қилди. Совет ҳукумати Женева кенгашининг қарорлари умумий тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида амалга оширилиши учун куч-қувватини сра аямайди. Совет ҳукумати совет халқининг ва барча тинчликсевар халқларнинг кучли мададига таяниб, бундан буён ҳам халқаро вазиятдаги кескинликни янада юмшатишга қаратилган сиёсатни тўхтовсиз амалга оширади, бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик учун қурашади. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

СССР Олий Советининг учинчи сессияси

Бечa, 4 августда, Катта Кремль Саройида тўртинчи чақириқ СССР Олий Советининг Учинчи Сессияси ўз ишини бошлади.

СССР Олий Советининг депутатлари тўрт Давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг 18 июльдан 23 июльгача Женевада бўлиб ўтган Кенгашининг натижалари тўғрисида Совет Ҳукумат делегациясининг докладини тингламоқ ва муҳокама қилмоқ учун бу ерга тўпландилар.

Сессиянинг очилишида кўпгина меҳмонлар — ишчилар ва хизматчилар, маданият ва фан арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари, жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Ложаларда — дипломатик корпус а'золари, совет ва четэл матбуотининг вакиллари ўтиришдилар.

Кундуз соат 3. Иттифоқ Советининг раиси **А. П. Волков,** Миллатлар Советининг Раиси **В. Т. Лацис,** Иттифоқ Совети Президиумининг Ўринбосарлари **Н. Т. Кальченко, А. А. Лебедев, В. П. Мжаванадзе, З. С. Омарова,** Миллатлар Совети Президиумининг Ўринбосарлари **Н. Е. Авхимович, П. Т. Комаров, М. М. Султанова, П. Г. Тичина** президиум столидан ўз ўринларини олдилар.

Ложаларда — Олий Совет Президиумининг а'золари, министрлар ўтиришдилар. Югославия парламент делегациясининг а'золари ҳам ложаларда ўтиришдилар.

Депутатлар ва меҳмонлар **Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, А. И. Кириченко, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов, Д. Т. Шепилов** ўртоқларни ўринларидан туриб узоқ давом этган гулдурос қарсаклар блан табриклaдилар.

Иттифоқ Совети блан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида раислик қилучи Иттифоқ Советининг Раиси депутат А. П. Волков СССР Олий Советининг Учинчи Сессиясини очиқ деб э'лон қилади. У, айтадики, СССР Олий Советининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ Халқ Скупшчинасининг делегацияси мажлисда ўтиришти. Хорватия Халқ Республикаси Соборининг раиси Владимир Бакарич делегацияга бошлиқ бўлиб келган.

— Мамлакатимизга келган азиз меҳмонларни,— дейди А. П. Волков,— Сизларнинг номингиздан табриклашга ижозат берингиз.

Депутатлар ва меҳмонлар бу сўзларни давомли қарсаклар блан қутиб оладилар.

Раислик қилучи СССР Министрлар Совети тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг якунлари тўғрисида Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг докладини СССР Олий Советига тақдим этганлигини айтиб, Кенгаш якунлари тўғрисидаги масалани сессия кун тартибига киритишни таклиф қилади. Депутат К. Т. Мазуров Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Оқсоқоллар Кенгашининг топшириғи блан сўзга чиқиб, бу таклифни қувватлайди. У докладни Иттифоқ Совети блан Миллатлар Советининг 4 августдаги қўшма мажлисида эшитишни, докладнинг муҳокамасини эса иккала палатанинг 5 август эрталабки қўшма мажлисида бошлашни таклиф қилади.

Сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан қабул қилинади.

Тўрт Давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг якунлари тўғрисида доклад учун сўз СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганинга берилади. Залдагилар ўринларидан туриб ўртоқ Н. А. Булганин шарафига гулдурос овация қилдилар.

Сессия қатнашчилари Совет Ҳукумати Бошлиғининг докладини жуда катта э'тибор бериб тингладилар. Совет Ҳукуматининг Бошлиғи ўз докладида Женева Кенгаши арафасидаги халқаро вазиятни характерлаб берди, халқаро кескинликни ма'лум даражада юмшатишга олиб келган ва шу тарика Женевада кенгаш ўтказиш учун қулай шароит тугдирган факторларни кўрсатиб ўтди. Ўртоқ Н. А. Булганин Женева Кенгашининг қандай ўтганлигини ва ҳал қилиш пайти келган халқаро проблемаларни бамаслаҳат ҳал қилиш ва бутун дун'ёда мустаҳкам тинчликни та'минлаш мақсадида шу кенгашда Совет Ҳукумати томонидан киритилган таклифларни муфассал айтиб берди.

Н. А. Булганин Женева Кенгашининг якунлари тўғрисида гапириб, бу Кенгаш тинчлик иши учун ижобий натижалар берганлигини кўрсатиб ўтди.

— Бироқ,— деди у, биз ҳал этилмаган халқаро проблемаларни ҳал қилиш йўлларини ҳали қидиришимиз керак, шу нуқтаи-назардан қараганда тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг октябрьда бўладиган кенгаши катта аҳамиятга эгадир.

Совет Ҳукумати Бошлиғи умид билдириб айтдики, ташқи ишлар министрларининг бўладиган кенгашида қатнашчиларининг ҳаммаси Ҳукуматлар Бошлиқларининг учрашувида ҳукм сурган вазият сингари ҳамкорликка интилсалар ва битимга келишга интилсалар, у ҳолда тўрт давлат ташқи ишлар министрлари ҳал этилмаган халқаро проблемаларни ҳал қилиш ишида муваффақиятларга эришадилар. Совет Ҳукумати тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг бўладиган учрашувида министрлар шу кенгаш олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишлари учун ўзининг бутун кучини сарф этали.

Провардида Н. А. Булганин айтдики, Совет Ҳукумати халқаро вазиятдаги кескинликни янада юмшатишга қаратилган сиёсатни бундан буён ҳам оғишмай ўтказади, бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик учун қурашади.

Совет халқининг сайлаган вакиллари — СССР Олий Советининг депутатлари ва сессияда ҳозир бўлган кўпгина меҳмонлар гулдурос, давомли қарсаклар блан Совет Ҳукумати Бошлиғининг докладини ма'қуллаганликларини биллиридилар.

Сессиянинг эндиги мажлиси бугун, 5 августда, эрталаб соат 10 да бўлади. (ТАСС).

Корея Халқ Демократик Республикасининг элчиси Ли Сан Чо СССР Олий Совети Президиумининг раиси К. Е. Ворошиловга ишонч ёрлиқларини топширди

3 августда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Кремльда Корея Халқ-Демократик Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ли Сан Чони қабул қилди. Ли Сан Чо ўзининг ишонч ёрлиқларини топширди.

Элчихона кенгашчиси Пак Док Хван, савдо маслаҳатчиси Цой Ю Гиль, ҳарбий атташе полковник Син Гим Чер, 1-нчи секретарь Нам Чан Соп, 2-нчи секретарьлар Хван Дон Рер, Тю Со Хен, Хо До Дин, 3-нчи секретарь Ли Хи Сан, атташелар Лим Бон Ун, Ким Зунбгин Элчига ҳамроҳ бўлиб келдилар ва элчи Ли Сан Чо К. Е. Ворошиловни улар блан таништирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш вақтида СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Узоқ Шарқ бўлимининг мудири И. Ф. Курдюков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков ҳозир бўлдилар.

К. Е. Ворошилов ва Элчи Ли Сан Чо нутқ сўзладилар.

Элчи Ли Сан Чо Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумати ва корейс халқи ҳаҳлигини мустаҳкамлашга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга қаратилган тинчликсевар изчил сиёсатини қизғин равишда қўллаб-қувватлаётганлигини айтиб, корейс халқи Совет Иттифоқи блан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни ҳамда ривожлантиришни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаётганлигини қутириб ўтди.

Провардида Элчи, иккала мамлакат халқлари ўртасида вужудга келган ва бахтиёрликка олиб келаётган қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун бутун кучимни сарф қиламан, деди.

К. Е. Ворошилов ўзининг жавоб нутқида Элчига унинг самимий сўзлари, совет халкини ва Совет Ҳукуматини дўстона табриклaганлиги учун чин қалбдан ташаккур билдирди. Совет халқи блан корейс халқи ўртасида вужудга келган қардошларча бузилмас дўстлик, деди К. Е. Ворошилов, йилдан-йилга мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораётганлигидан ғоят мамнун эканлигимни жуда хурсанд бўлиб изҳор қиламан.

Кореянинг озод қилинганлигига ўн йил тўладиган кун яқинлашаётганлиги муносабати блан К. Е. Ворошилов Элчидан Корея Халқ-Демократик Республикаси Ҳукуматига ва совет халқига қизғин қардошлик саломатларини топширди. Корейс халқи, деди Элчи, қаҳрамон Совет Армиясининг Кореяни япон империализмининг узоқ йиллар давом қилган ҳукмронлигидан озод қилганлигини ва мамлакатнинг чинакам хўжайини бўлган корейс халқига бир бутун, демократик ва мустақил давлат қуриш имкониятини берганлигини асло унутмайди.

Элчи корейс халқи Совет Ҳукуматининг катта ва кичик миллатларни ҳурматлаш, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги, суверенитети ва мустақиллиги принципларига риоя қилишга, халқларнинг дўстлигини ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга қаратилган тинчликсевар изчил сиёсатини қизғин равишда қўллаб-қувватлаётганлигини айтиб, корейс халқи Совет Иттифоқи блан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни ҳамда ривожлантиришни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаётганлигини қутириб ўтди.

Провардида Элчи, иккала мамлакат халқлари ўртасида вужудга келган ва бахтиёрликка олиб келаётган қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун бутун кучимни сарф қиламан, деди.

К. Е. Ворошилов ўзининг жавоб нутқида Элчига унинг самимий сўзлари, совет халкини ва Совет Ҳукуматини дўстона табриклaганлиги учун чин қалбдан ташаккур билдирди. Совет халқи блан корейс халқи ўртасида вужудга келган қардошларча бузилмас дўстлик, деди К. Е. Ворошилов, йилдан-йилга мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораётганлигидан ғоят мамнун эканлигимни жуда хурсанд бўлиб изҳор қиламан.

Кореянинг озод қилинганлигига ўн йил тўладиган кун яқинлашаётганлиги муносабати блан К. Е. Ворошилов Элчидан Корея Халқ-Демократик Республикаси Ҳукуматига ва қаҳрамон корейс халқига Совет Ҳукуматининг ва совет халқининг энг дўстона табриклaрини топширишни илтимос қилди.

К. Е. Ворошилов айтдики, корейс халқи ўзининг халқ-демократик давлатини қуришда, миллий экономика ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. К. Е. Ворошилов шуни кўрсатиб ўтдики, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида 1949 йил 17 мартда Совет Иттифоқи блан Корея Халқ-Демократик Республикаси ўртасида тузилган Битим иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенг ривожлантириш учун мустаҳкам негиз солди.

Ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган училлик қонли урушдан кўп қурбонлар берган қаҳрамон корейс халқига совет халқи чуқур хайрихоҳлик ҳислари блан қарамоқда ва қардош корейс халқига урушда вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаб олишда бегараз ёрдам бермоқда, деди К. Е. Ворошилов. Бизнинг халқимиз, деб давом қилди К. Е. Ворошилов, корейс халқининг ўз хўжалигини тиклашнинг училлик планини бажаришда эришаётган муваффақиятларини кўриб қувонмоқда ҳамда Корея Халқ-Демократик Республикаси Ҳукуматига ва бутун корейс халқига халқ-демократик давлатни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ,миллий экономика ва маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятлар тилайди.

Бизнинг халқимиз, деди К. Е. Ворошилов, корейс халқига мамлакатни тинч йўл блан бирлаштириш ва бир бутун миллий демократик Корея давлатини барпо қилиш вазифаларини ҳал этишда муваффақиятлар тилайди.

К. Е. Ворошилов Элчига унинг мас'ул вазифасида муваффақиятлар тилади. У Элчини ишонтириб, Совет Иттифоқи ва Корея Халқ-Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш манфаатлари йўлида сизнинг қиладиган ишларингизни СССР Олий Совети Президиуми ва шу Президиумнинг Раиси бўлган шахсан мен, шунингдек Совет Ҳукумати ҳам тўла равишда қўллаб-қувватлаймиз, деди.

Ишонч ёрлиқлари топширилиб ва нутқлар сўзланиб бўлгандан кейин К. Е. Ворошилов Элчи Ли Сан Чо блан суҳбатлашди. Суҳбатда Н. М. Пегов ва В. В. Кузнецов қатнашдилар.

ЮГОСЛАВИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ В. И. ЛЕНИН ВА И. В. СТАЛИН МАВЗОЛЕЙИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

СССР Олий Советининг таклифи блан Хорватия халқ республикаси Соборининг раиси Владимир Бакарич бошчилигида Совет Иттифоқига келган Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ халқ скупшчинасининг делегацияси 3 августда В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейини зиёрат қилди ва гулчамбар қўйди.

СССР Олий Совети Миллатлар Совети бюджет комиссиясининг раиси А. М. Сафронов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлими мудирининг ёрдамчиси К. А. Кочетков, Москва Кремлининг коменданти генерал-лейтенант А. Я. Веденин, шунингдек Югославиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Д. Видич делегацияга ҳамроҳ бўлиб келдилар. (ТАСС).

Югославия журналистлари группасининг Ўзбекистонда бўлиши

Югославия журналистларининг Ўзбекистонда меҳмон бўлган группаси 2 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси Н. А. Муҳитдинов томонидан қабул қилинди. Меҳмонлар суҳбат вақтида республикадаги хўжалик ва маданий қурилиш масалалари блан, халқ хўжалигининг янада юксалиш перспективалари блан қизиқдилар. Н. А. Муҳитдинов республикадаги саноат ишлабчиқаришининг ҳажмини, қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи пахтачиликнинг ривожланишини кўрсатадиган конкрет ма'лумотларни келтирди, фан, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган муваффақиятлар тўғрисида сўзлади. Меҳмонлар берилган ахборот учун самимий ташаккур билдирдилар.

Югославия журналистлари янги ерларни ўзлаштираётган ўзбек колхозчиларининг турмуши блан танишмоқ учун шу кунлар Мирзачўлга жўнаб кетдилар. Улар Сирдар'ё районига келиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира Йўлдошева бошчилик қилаётган «Ҳақиқат» колхозига бордилар.

Пахтакорлар Югославия матбуотининг вакилларини меҳмондўстлик блан қутиб олдилар. Назира Йўлдошева колхозчиларнинг меҳнат соҳасидаги фаолияти тўғрисида, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ўзбек пахтакорларига кўрсатаётган кундалик ғамхўрлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Югославия журналистлари колхоздаги ўрта мактабга, болалар яслисига бордилар, пахта далаларини кўздан кечирдилар. Колхоз а'золари Югославия халқларига ўз муҳаббатларини изҳор қилиш юзасидан меҳмонларга совғалар тақдим этдилар.

Югославия матбуотининг вакиллари «Вревоский» 4-нчи наслдорчилик совхозида ҳам бўлдилар. Бу ерда улар электрлаштирилган фермани ва силос иншоотларини кўздан кечирдилар.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясининг коллективи югослав журналистлари шарафига зиёфат берди. Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

* * *

Югославия журналистлар группаси 3 августда Тошкентдан Москвага самолётда жўнаб кетди.

Аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлигининг, Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамиятининг вакиллари, республика матбуот ходимлари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

СССР блан Эрон ўртасидаги давлат чегарасини демаркация ва редемаркация қилиш юзасидан ССР Иттифоқи ва Эрон аралаш комиссияси иш бошлаганлиги тўғрисида

Чегара ва молия масалаларини ҳал этиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Эрон ўртасида 1954 йил 2 декабрьда тузилган битимнинг учинчи моддасига мувофиқ, СССР блан Эрон ўртасидаги давлат чегарасини демаркация ва редемаркация қилиш юзасидан ССР Иттифоқи ва Эрон Аралаш комиссияси 1955 йил 1 августда Эрон Астарида ишга киришди.

ССР Иттифоқи делегациясининг составы ССР Иттифоқининг элчиси, делегация раиси П. Д. Орлов ва делегация а'золари: полковник Е. А. Болков, полковник А. С. Григорьев, полковник Е. Г. Жидков ва маслаҳатчи П. Б. Зудин, эксперт Р. Р. Гасанов ва секретарь В. А. Биндяковдан иборатдир.

Эрон делегациясининг составы Делегация раиси — корпус генерали Жаҳонбони, Раис ўринбосари — бригада генерали Хусайн Али Размар, делегация а'золари — полковник Тейфурий, полковник Фирузбахш, подполковник Багерий, Эрон Ташқи ишлар министрлигининг ходимлари Дар'ябеги, Мотазода ва инженер Гасеббидан иборатдир.

Комиссия дўстона вазиятда ўтган биринчи мажлисида СССР блан Эрон ўртасидаги чегарани демаркация ва редемаркация қилиш юзасидан олиб бориладиган ишлар блан боғлиқ бўлган протокол ва процедура масалаларини кўриб чиқди.

Навбатдаги мажлисни 1955 йил 3 августда Совет Астарида чақиришга қарор қилинди.

Бундан кейинги учрашувлар тўғрисида ахборотлар, қоида сифатида берилмайди, деб келишилди.

Югославия парламент делегациясининг Москвада бўлиши

3 августда Москва Совети Ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов СССР Олий Советининг таклифи блан Москвага келган Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ Халқ Скупшчинаси делегациясини қабул қилди. Қабул маросими вақтида бўлган суҳбат бирярим соатдан кўпроқ давом этди.

Ўртоқ М. А. Яснов Югославия парламент делегацияси шарафига зиёфат берди.

Шу куни Югославия парламент делегацияси Москва Кремлида бўлди.

Иттифоқ Халқ Скупшчинасининг депутатлари Кремльда В. И. Ленининг иш кабинетини ва квартирасини кўздан кечирдилар. Улар олган таассуротларини ўртоқлашиб, Совет давлатининг асосчиси яшаган ва ишлаган жойларининг жуда содда бўлганлигидан қойил қолганликларини айтдилар.

Делегация а'золари В. И. Ленин квартирасидан чиқиб кетиш олдида таассуротлар ёзиб қолдириладиган дафтарга қуйидаги сўзларни ёздилар: «Бу ердаги қарбир буюм улуғ кишини эслатади. Буюк Ленининг бу ёдгорлиги ҳам жуда яхши сақланганлигидан роят миннатдормиз».

Сўнгра югославияли меҳмонлар Кремльдаги тарихий ёдгорликлар блан танишдилар. Улар Оружейная палатага, Архангельский ва Благовешченский соборларида бўлдилар.

Кремльга кейинги икки ҳафтанинг ҳар кунидагидек бугун ҳам жуда кўп экскурсиячилар келган эди. Улар делегация а'золарини дўстона табрикладилар.

Югославияли меҳмонлар тушдан кейин Москвани тамоша қилдилар. Улар Москва Давлат университетининг Ленинские Горидаги биносини кўрдилар, Лужниқида янги стадион қурилиши блан ва пойтахтнинг ғарби-жанубий районидаги уй-жой қурилиши блан танишдилар. Буерда Москва Совети Ижроия комитети Раисининг ўринбосари С. М. Бутусов, Главмосстрой бошлиғининг ўринбосари П. В. Абрамов ва «Мосжилгорстрой» трестининг Бошқаручиси М. Г. Локтюхов Югославия парламентининг депутатларига кўпгина қизиқарли нарсаларни гапириб бердилар.

Ново-Песчание кўчасидаги каркасранель уйлар қурилиши ва Хорошевский тош йўлида йирик блоклардан қурилаётган мактаб биносининг монтаж қилиниши делегатларда катта қизиқиш туғдирди.

Делегация а'золари Москвада уй-жой қурилишининг ҳажмидан ҳайратда қолдилар. Биноларни йиғиш ва монтаж қилиш ишлари ўтказилаётган қурилиш майдончалари уларни жуда қойил қолдирди.

Делегацияга СССР Олий Совети Миллатлар Совети Бюджет комиссиясининг Раиси А. М. Сафронов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлими мудирининг ёрдамчиси Б. А. Бочетков ҳамроҳ бўлдилар. (ТАСС).

Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари Женева кенгашининг якунларини ма'қулламоқдалар

БЕРЛИН, 3 август. (ТАСС). Германия Демократик Республикасида Женева кенгашининг якунларига бағишланган митинглар ўтказилмоқда. Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари кенгаш натижаларини ма'қулламоқдалар, бир бутун, демократик Германия учун, Германия масаласини тинч йўл блан ҳал қилишда муҳим негиз бўлган Умумгерман битимига эришиш учун курашишга қат'ий бел боғлаганликларини билдирмоқдалар.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси Ф. Элснер Галлда меҳнаткашлар митингида сўзга чиқиб халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ва ҳал этилмаган халқаро проблемаларни, шу жумладан Германия масаласини ҳам ҳал қилиш учун Женева кенгашининг катта аҳамияти борлигини та'кидлади. Элснер, немисларнинг ўзаро битимга келишлари Германия масаласини тинч ҳал қилмоқ учун негиз бўлади, деди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси Г. Матерн Лейпциг меҳнаткашларининг митингида сўзга чиқди. У, ғарбий Германиянинг қайта ҳарбийлаштирилиши ва Париж битимлари Германияни қайта бирлаштиришга асосий тўсқин бўлиб турипти ва Германия масаласини ҳал қилиш аввало немис халқининг ўз ишидир, деб та'кидлади.

Гер Эрфурт, Коттбус шаҳарларида ва бошқа шаҳарларда ҳам меҳнаткашларнинг Женева кенгаши якунларига бағишланган митинглари бўлиб ўтди.

Ёшларнинг Жаҳон бешинчи фестивалида

ВАРШАВА, 3 август. (ТАСС). Тушдан кейин бинокорлар стадионида халқаро «Ҳосил байрами» бўлди. Бунда Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Польша, Дания, Финляндия ва Африка мамлакатлари бадиий коллективларининг вакиллари қатнашди.

Байрам қатнашчилари чиройлик миллий кийимлар кийиб чиқиб, тамошобинларга ўзларининг миллий қўшиқларини ва рақсларини намойиш қилдилар. Пятницкий номидаги хорнинг ёшлар группаси рус халқ қўшиқлари ва рақсларини ижро қилиб алоҳида муваффақият қозонди.

Поляк қўшини стадионида енгил атлётика мусобақалари давом этди. Кечқурун «Гвардия» залида катта халқаро концерт бўлди. Польша Қўшини ҳиёбонида, Агриколь паркида, Лазенкидаги ёзлик театрда ва бошқа жойларда бўлган концертларда турли мамлакатлардан бирнечтадан бадиий группалар қатнашди. Совет делегацияси бадиий группасининг артистлари Халқ театрида ва бирқанча очиқ эстрадаларда концерт бердилар.

Фестиваль тинчлик учун курашда ёшларнинг дўстона алоқаларини ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш белгиси остида ўтмоқда.

Совет қишлоқ хўжалик делегациясининг АҚШ да бўлиши

АБЕРДИН (Жанубий Дакота штати). 3 август. (ТАСС). Кеча совет қишлоқ хўжалик делегацияси кўп йўл юрди. У дон экинлари экиладиган зонага бориб, АҚШ нинг катта фермаларида бугдойни ўриб йиғиб олиш методлари блан танишмоқ учун бутун Жанубий Дакота штатини шимолидан Жанубигача кесиб ўтди.

Совет делегацияси борган Спинк графлигида ҳосил ўриб-йиғиб олинган экан, броқ бирқанча фермерлар меҳмонларга дон экинларини ўриб-йиғиб олишдаги ўз методларини кўрсатмоқ учун бирмунча ерлардаги баллани ўрмасдан қолдирган эканлар. Совет делегатлари америкали фермерларникида меҳмон бўлдилар ва СССР да ҳамда АҚШда дон экинларини ўриб-йиғиб олишда ишлатилаётган методлар тўғрисида ва бегана ўтларга ҳамда зараркунанда ҳашоратларга қарши курашиш усуллари тўғрисида гаплашдилар.

Бразилия композиторининг СССРдан олган таассуротлари

МОНТЕВИДЕО, 3 август. (ТАСС). Бразилия композитори Клаудио Санторо яқинда Совет Иттифоқига ва Европанинг бирқанча мамлакатларига саёҳат қилиб қайтиб келди. Бразилияда чиқадиган «Ултима ора» газетаси композитор Санторонинг баёнотини босиб чиқарди. Санторо совет маданиятининг муваффақиятларига юксак баҳо берган. Сан'атга ҳеҳқаерда СССР да бўлганидек катта ёрдам берилмаётир дейди у. — Мен шуни айтишим мумканки, деб ўқтириб ўтади Санторо, руслар ва уларнинг ҳаёти тўғрисида буерда айтилаётган гапларнинг кўпи нуқул уйдирма гаплардир. Совет халқи яхши ва бахтиёр бўлиб яшамоқда. Правардида Санторо, Совет Иттифоқида уруш тўғрисида гапирмайдилар, чунки совет кишилари тинчликни истамоқдалар, деб ўқтириб ўтади.

Ҳиндистонда тошқин

ПАРИЖ, 3 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Деҳлидан берган хабарида айтилишича, Ҳиндистон ирригация ва энергетика министри Гулзори лал Нанда мамлакатнинг сув тошган районларини самолётда учиб кўриб чиққан. Министрнинг айтишича, сув тошқини натижасида Уттар Прадеш штатида 10 минг қишлоқни сув босган ва юз минглаб кишилар бошпанасиз қолганлар.

Министр, бу йилгидек қаттиқ ёмғирлар 1871 йилдан бери ёғмаган эди, деган.

Лондонда олимларнинг жаҳон конференцияси

ЛОНДОН, 4 август. (ТАСС). Кеча Лондон графлиги Кенгашининг мажлислар залида олимларнинг халқаро конференцияси очилди. «Жаҳон ҳукумати тарафдорлари — парламент арбоблари жаҳон уюшмаси»нинг ташаббуси блан чақирилган бу конференция кун тартибидаги асосий масалалардан бири атом урушининг олдини олиш ишига олимларнинг қўшадиган хиссаси деган масаладир.

Мазкур уюшманинг президенти — Англия парламенти а'зоси Клемент Дэвис конференцияни очиб сўзлаган нутқида, конференция ишида жаҳоннинг 24 мамлакатидан келган олимлар қатнашаётганлигидан ўзининг мамнун эканлигини билдирди. Дэвис конференция ишларида совет олимлари — академик А. В. Топчиев (делегация раҳбари), С. А. Голунский, М. А. Марков ва А. М. Кузин қатнашаётганлигини алоҳида ўқтириб ўтди.

Дэвис бундай деди: «Гарчи мен сизларнинг ҳаммангизни қизғин табриклаётган бўлсам ҳам, аммо, агар мен Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи делегатларини айниқса чин кўнгилдан табрикласам, ғарб дун'ёсининг олимлари мени кечиргайлар, деб ишонаман, Совет Иттифоқи делегатларининг буерда ҳозир бўлаётганликлари ма'лум ма'нода конференциянинг характерини ўзгартириб, уни жаҳоннинг ярмисидаги олимлар конференциясидан бутун дун'ё олимлари конференциясига айлантирди».

Сўнгра Дэвис «биз ҳаммамиз Женева кенгашида рўйберган воқеалардан чинакам хурсанд бўлдик» деди-да, мен президентлик қилаётган ташкилот бир фактга катта аҳамият бермоқда, деб та'кидлади. Бу факт шундан иборатки, «бизнинг оламизда, бу конгрессда Совет Иттифоқидан келган отоқли олимларнинг ҳозир бўлганлиги кўп йиллар мобайнида бизнинг онгимизни хиралаштириб келган ишончсизликни ва гумонсирашни тугатучи янги улуғ руҳнинг жаҳондаги кўринишларидан биридир... деб та'кидлади.

Дэвис конгресснинг вазифаларини белгилаб айтдики, фан «инсон иқтиёрига жуда катта вайрон қилучи кучни бериб қўйди. Таҳдид қилаётган хатарнинг нақадар катталиги ва характери бизга тўла равишда ма'лум эмас. Водород бомбани синовдан ўтказиш бу хатарнинг роят жиддий эканлигини кўрсатди. Буерда сўзланадиган нутқлар ва бизнинг комиссияларда қиладиган ишларимиз (конференцияда 4 августда ишга бошлайдиган комиссияларни айтаётир. — Редакция), эҳтимол, олимларга инсоният бошига тушиши мумкин бўлган офатнинг характерини, шунингдек энг янги кашфиётлар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган яхшиликларни яхшироқ тасаввур қилмоқ учун ўрганилиши лозим бўлган проблемаларни янада аниқроқ билиб олиш имкониятини берса керак».

Лондон графлиги кенгашининг раиси Нормал Причард ва Ламбет (Шарқи-Жанубий Лондон) мэри Марок олимларни табриклаб нутқ сўзлаганларидан кейин машҳур инглиз олими Лорд Бертран Рассел катта нутқ сўзлади. У айтдики, атом қуролини қўлланишнинг оқибатлари тўғрисида ҳаққоний информация тарқатиш соҳасида олимларнинг зиммасида инсоният олдида катта мас'улият бор «Илмий журналларда фактларни техника тилида ёзиб чиқишнинг ўзи кифоя қилмайди, — деди у. — Бу фактлар мумкин қадар кенгроқ ёритилиши ва ҳаммага, биринчи галда сиёсат раҳбари бўлган давлат арбобларига, сўнгра эса кенг жамоатчиликка ма'лум қилиниши лозим, давлат арбоблари жамоатчиликнинг фикрига қулоқ солишлари керак. Ядро урушидан қутилиши мумкин бўлган оқибатларни бундан бехабар кишиларга тушунтириб бериш воситаларини топиш фан аҳлларининг бурчидир. Бу конференция шу соҳада қилинадиган ишларни бошлаб берур, деб умид қиламан».

Сўнгра Рассел идеялар конфликти қурол ёрдами блан ҳал қилинмаслиги лозимлигини та'кидлаб, бунга инсониятни ишонтириш ва уруш бўлишига йўл қўймаслик олимларнинг вазифасидир, деди.

Сўнгра Рассел фан муваффақиятларидан бутун инсоният бахт-саодати йўлида фойдаланиш масаласига ўтиб бундай деди: «Ҳозирги вақтда қирғин урушига тайёргарлиқ кўришга сарф қилинаётган миқдордаги билим ва давлат маблағлари одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва яхшилашга сарф қилинганида эди, бундан қандай натижалар келиб чиқиши мумкинлигини ҳозир ҳечким айтиб бераолмайди».

Рассел конференция муҳокамасига резолюция тақдим қилди. Бу резолюцияда, жаҳондаги барча мамлакатларнинг ҳукуматлари, жаҳон уруши ёрдами блан мақсадимизга етишмиз мумкин эмас, деб буни ҳалойиқ олдида иқрор қилсинлар, деб талаб этилади.

«Шу муносабат блан, дейилади резолюцияда, биз яқинда очилган илмий кашфиётларнинг умуман инсоният учун бўладиган оқибатларини дарҳол ўрганишни талаб қиламиз ва жанжал манба'и бўлган барча халқаро масалаларни ҳал қилишнинг тинч воситаларини рағбатлантиришни талаб қиламиз».

Расселнинг нутқидан кейин бошланган музокараларда профессор Жозуе де Кастро (Бразилия), профессор Олифант (Австралия), халқаро ҳуқуқ доктори Макс Габихт (Швецария), Эллинойс университетининг биология профессори Рабинович (Қўшма Штатлар), Лондон университетининг профессори Альфред Эйер сўзга чиқдилар.

Тушдан кейин конференцияда совет делегациясининг бошлиғи, СССР Фанлар академияси президиумининг бош илмий секретари академик А. В. Топчиев сўзга чиқди.

Тошкент. Навоий проспекти, Анҳор бўйи. Л. Глауберзон фотоси.

Шаҳар кутубхона ходимларининг семинар кенгаши

Уэсвипрофда Тошкент шаҳар кутубхона ходимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинар-кенгашда 100 га яқин киши иштирок этди.

Семинар қатнашчилари кутубхона ходимларининг ишлабчиқариш-техника адабиётларини пропаганда қилишдаги роли ҳақида, кутубхоналарни комплектлаштиришнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари ҳақида ҳамда бошқа темаларда лекциялар тингладилар.

Семинар охирида кутубхона ишлари соҳасида тўпланган тажрибалар ўзаро ўртоқлашилди.

Пионер лагерьларидаги тарбиявий иш тажрибаси умумлаштирилди

Шаҳар атрофида жойлашган пионер лагерьларининг бош пионервожатийлари шаҳардан унча узоқ бўлмаган жойда — Чўпонотадаги Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводининг пионер лагерида тўпландилар ва бош пионервожатийларнинг болалар ўртасида ишлаш тажрибаларини ўзаро ўртоқлашдилар.

Маданият ходимлари касаба союзи республика комитети лагерининг бош пионер вожатийси В. Борисов «Лагерьларда тўғарак ишлари қандай олиб борилмоқда?» деган темада сўзлади.

У, ўзи бош пионервожатий бўлган лагерьда 11 тўғарак ишлаб турганини айтиб берди. Ёш авиамоделистлар учучи аппаратларнинг бирнеча моделини конструкция қилдилар ва ясадилар. Тўғарак а'золари ясаган уч планер область мусобақаларига топширилди. Ёш табиатшунослар гулларни тўғри ўтказиш ва парваришлаш сан'атини эгалладилар, ўрмаловчи ҳашаротларнинг коллекциясини тўпладилар.

Шунингдек, «Ўзбексельмаш» заводи лагерининг бош пионервожатийси Мария Дейнека ҳам ўтказилаётган тўғарак ишлари ҳақида сўзлади. Матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзи лагерининг бош пионервожатийси Б. Садков эса, отряд гулханларини яхши уюштириш тўғрисида гапирди.

Кенгаш қатнашчилари болалар ўртасида сиёсий-оммавий тадбирларни ўтказиш, экскурсияларни ташкил этиш, пионер активлари блан ишлашни уюштириш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Бир кунда

Бизнинг мамлакатимизда аҳолига кино хизмати кўрсатишга катта аҳамият берилади. Чунки кинофильмлар кўрсатиш совет кишиларининг мазмунли дам олишларини уюштириш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда. Биргина биз яшаб турган пойтахтнинг ўзида 10 та қишлик ва 19 та ёзлик кинотеатр бор. Бу кинотеатрларда аҳолига яхши маданий хизмат кўрсатиш учун қулай шароит яратилган.

Қишки кинотеатрлар 5926, ёзги кинотеатрлар эса 10 минг 560 та ўринга эга. Қишлиқ ва ёзлик кинотеатрлар бир кунда 110 га яқин сеанс кўрсатмоқдалар. Фильмларни келиб кўручи тамошабинлар сони бир кунда 52 минг 500 га етади. Қиш мавсумида эса бир кунда 30 минг 500 кишига кинофильм кўрсатилади.

Чорва молларини кўпайтириш учун

Ўзбекистон ветеринария илмий-текшириш институти сигирларни парвариш қилиш усулини ишлаб чиқди. Бу усул сигирларнинг қисир қолишини тугатади. Олимлар озуқа рационларини қат'ий қўлланишдан ташқари сигирнинг қонига махсус дори юборишни таклиф қилдилар. Ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, проварин деб ном олган бу дори ички секреция безларига самарали та'сир қилади, болалаш органларининг ишини кучайтиради.

Олимларнинг тавсияси республикадаги бирқанча колхоз ва совхозларнинг чорвадорлари томонидан амалда текшириб кўрилди. Масалан, Тошкент область, Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозида ўтган йили қисир қолган ва янги дори қўлланилган ҳамма сигирлар бузоқлади. Колхоз мол етиштириш топшириғини ва давлатга гўшт ҳамда сут топшириш топшириғини ошириб бажарди. Фарғона область Охунбобоев районидаги Шверник номли колхоз сигирларнинг қисир қолишини тўла равишда битириш ҳисобига ўтган йили чорвачликни ривожлантириш планини 121 процент қилиб бажарди. Ваҳоланки, «проверин» деб ном олган дори қўлланилмаган Фрунзе номли қўшни колхозда сигирларнинг маҳсулдорлиги 7 марта кам бўлди.

Институт ходимлари чорва молларини кўпайтиришда колхозларга амалий ёрдам бермоқдалар.

Роза Багланованинг концертлари

Шу кунларда пойтахт тамошабинлари Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Роза Багланованинг концертларини зўр қизиқиш блан кутиб олмоқдалар. Роза Багланова концертларининг программаси хилма-хил, ғоявий юксак ашулаларга бой. Унинг репертуарида совет композиторлари блан бир қаторда халқ демократияси мамлакатлари композиторларининг асарлари ҳам бор.

Брусиловскийнинг «Қизнинг орзуси», Липаревнинг «Маржон қиз», Байқадамовнинг «Домбра» каби ашулалари Роза Багланова ижросида Тошкент тамошабинларида яхши таассурат қолдирмоқда. Поляк халқ қўшиғи «Қиз ўтиб борар» хитойча «Лай Чайго», ўзбек халқ қўшиғи «Аяжон», руминча «Марениқа» сингари ашулаларни тамашабинлар қайта-қайта эшитиш истагини билдирмоқдалар.

Тўртинчи спартакиада

Яқинда «Спартак» физкультура коллективларининг 4-нчи спартакиадаси бошланди. Спартакиадада мусобақаларда голиб чиққан 9 областьнинг физкультурачилари қатнашаётир.

Спортнинг тўрт тури бўйича комплекс мусобақаларда биринчи ўринни Самарқанд, иккинчи ўринни Тошкент область физкультура коллективлари эгалладилар.

Енгил атлётика бўйича мусобақалар қизғин ўтмоқда. 100 метрга югуришда эркаклар ичида Р. Свиридов (Наманган области), Р. Алимов (Тошкент); хотин-қизлар ичида Н. Клевцова (Самарқанд области), А. Глебова (Самарқанд) ўртоқлар биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

«Спартак» спорт жамиятлари физкультурачилари кўпгина янги республика рекордларини қўйдилар. Спартакиада голиблари Вильнюс шаҳрида ўтказиладиган «Спартак» жамиятларининг 3-нчи Бутуниттифоқ спартакиадасида қатнашадилар.

Республика биринчилиги учун

15 кун давом этган «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг биринчи республика шахмат чемпионати тамом бўлди. Чемпионатга республиканинг кучли шахматчиларидан республика 1955 йилги чемпиони Александр Грушевский, шахмат композицияси бўйича СССР спорт мастери Бирбрагер, мастерликка кандидат Мухин ва энг кучли биринчи разрядли шахматчилардан Зокир Хўжаев, Элбеков, Перевозников, Шварцман ўртоқлар қатнашдилар. Ўйин кескин курашлар вазиятида ўтди.

Мусобақада «Буревестник» жамиятининг республика чемпиони деган унвонни 14 ўйиндан 11 ярим очкога эга бўлган Грушевский олди. У бирор ўйинни ҳам ютқазмади. Бирбрагер 10 ярим очко блан иккинчи, Хўжаев 10 очко блан учинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақа охирида голиблларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

УТМИШДАН

АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ ТЎГАРАГИ

1895 йил декабрь ойида Тошкентда археология ҳаваскорлари Туркистон тўгараги ташкил этилди. Тўгаракнинг вазифаси қидириш, айрим нарсаларни ёзиб бориш, қадимги ёдгорликларни сақлашдан иборат эди. Тўгарак қатнашчилари ғорлар, қўрғонларни текшириш, қадимги ёзувларни кўриш, ўрганиш учун жойларга боришардилар. Асосий э'тибор Тошкент атрофини ўрганишга қаратилган эди. Тўгарак йиғилишларидан бирида «Тошкент шаҳар атрофининг қадимги ёдгорликлари» деган темада доклад қилинди. Бу доклад кейинчалик алоҳида брошюра шаклида нашр этилди.

Археологик топилмаларни тўплашга бошланғич мактаб ўқитувчилари жалб этилган. Маҳаллий аҳолининг ёрдами блан тўгарак а'золари кўплаб қадимги нарсаларни топганлар. Тўгарак ҳузурида ташкил этилган музейда Мирзаўллан топилган сопол стол, мис идиш, учига темир халқа ўрнатилган оқ мармар шамдон ва бошқа нарса сақланган. Тўгарак а'золари Урта Осиё территориясида топилган қадимги ёзувларни ўқиш блан ҳам шуғулланган.

Тўгарак маблағи иштирокчилардан тушган пулдан иборат бўлиб, жуда оз суммани ташкил этарди. Масалан, Қўқон атрофини ўрганиш учун тўгарак томонидан юборилган экспедиция 70 сўмни сарфлатаб, «маблағ етишмаслиги сабабли» қазиш ишларини тўхтатишга мажбур бўлган.

Тўгарак ҳаваскорлари рус археология жамияти ва бошқа бир қатор илмий муассасалар блан ёзишмалар олиб борардилар. Улар хатларида топилмалар тўғрисида ёзиб юборардилар, айрим вақтларда эса, топилмаларнинг ўзини ҳам юборар эдилар. Рус тоғ институтига Оҳангарон дар'ёси қуйиладиган жойдан топилган мамонтнинг сон суяги совға қилиб юборилган.

Ўрта Осиёли археология ҳаваскорлари ишига фақат Россия олимлари эмас, балки Швеция, Италия ва бошқа мамлакат олимлари ҳам жуда қизиқиб қараганлар.

КИНОЛАРДА:

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 10 гача). НАВОИЙ номли (кеч соат 7 гача), «ИСКРА» (кеч соат 9 гача) — янги немис бадиий фильми **Карола Ламберти**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 дан кеч 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — янги венгер бадиий фильми **Қизиқчининг тақдири**.

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Райком секретари**.

НАВОИЙ номли — кеч соат 7 дан **Дайди** (иккала серия).

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Юлдуз**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА» — **Карола Ламберти**.

«ХИВА», «УДАРНИК», КИРОВ номли — **Қизиқчининг тақдири**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Андриеш**, кечқурун **Индонезия бўйлаб**.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 138 Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 05256. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1477.